

Шуҳрат СИРОЖИДИНОВ

**МАТНШУНОСЛИК
САБОҚЛАРИ**



**ШУҲРАТ
СИРОЖИДДИНОВ**

**МАТНШУНОСЛИК
САБОҚЛАРИ**

7248
876
Тошкент
«Navoiy universiteti» nashriyot-matbaa uyi
2019.

УҮК 80

КБК 80

С 60

Сирожиддинов, Шухрат

Матншунослик сабоқлари [Матн] / Ш.Сирожиддинов. –Тошкент: «Navoiy universiteti» nashriyot-matbaa uyi, 2019. – 128 б.

ISBN 978-9943-5636-4-3

Такризчилар: ф.ф.д. Ёқубжон Исҳоқов
 ф.ф.д. Жалолиддин Жўраев

Ушбу кўлланмада қўлёзма манбаларни тавсиф ва тасниф килиш, улар билан ишлашда матншунослик тамойилидан келиб чиқиб ёндашиш ва матн тузишнинг асосий принциплари, шакллари ҳамда услубий йўл-йўриклари ҳақида маълумотлар жамланган.

Кўлланма қўлёзма меросимиз билан кизикувчи талаба ёшлиар, бўлгуси матншунослар учун мўлжалланган.

УҮК 80

КБК 80

ISBN 978-9943-5636-4-3

© «Navoiy universiteti» NMU

Тошкент, 2019.

Мундарижа

Кириш.....4

I. Назарий масалалар (матншунослик)

| | |
|---------------------------|----|
| Манба ва матн..... | 9 |
| Матн тарихи..... | 16 |
| Матн талқини тадқики..... | 20 |
| Матн тузиш | 28 |
| Китобат санъати | 44 |
| Тошибосма нашрлар | 50 |
| Факсимил нашрлар | 57 |
| Мухрлар | 60 |

II. Амалий матншунослик (матчилик)

| | |
|--|-----|
| Матншуосликнинг тадқиқ усуллари | 63 |
| Хизбий йилини милодийга табдил килининг оддий формулалари | 74 |
| Хот турлири..... | 79 |
| Кудоми китобларнинг ички | |
| Тузилинни ва беъзаклари | 89 |
| Харфий санъатлар | 88 |
| Абжид | 90 |
| Тарих | 96 |
| Муаммо | 103 |
| Хуруфи далолат | 119 |
| Хулоса ўрнида | 121 |
| Адабиётлар | 123 |

КИРИШ

Ўзбек халқининг кўпминг йиллик тарихи, бой илмий-маънавий мероси, адабиёт ва санъати ҳақидаги қимматли маълумотлар қўлёзма манбаларда акс этган. Маълумки, ўтган аср ўрталарида халқимиз тарихига оид ёзма манбаларни излаб топиш, тўплаш, илмий муомалага олиб кириши бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ўзбекистон ҳудудида мавжуд давлат кутубхоналарида тўпланган юзлаб қўлёзма манбалар Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти ташкил этилгач, унинг қўлёзмалар фондига бирлаширилди. Узоқ йиллар давомида институттук ходимлари томонидан олиб борилган археографик экспедициялар натижасида жаҳонда ўзининг ҳажми ва салмоги билан етакчи ўринга чиқсан бебаҳо қўлёзмалар хазинаси яратилди. Институтда фаолият бошлиган ўзбек манбашуносларининг забардаст вакиллари атрофида илмий мактаблар шакиланди. Тарихий ва илмий асарлар манбашунослигига жисддий ютуқлар қўлга киритилди. Жумладан, тарих, аниқ фанлар, медицина, география, фалсафа, космографияга оид асарлар, биографик, агиографик мазмундаги, расмий

ёрлиқ ва фармоналар устида юзлаб илмий тадқиқоттар олиб борилди. Ёзма манбаларни тавсифлаш, илмий истеъмолга киритиш бўйича бир неча авлод вакиллари фидокорона меҳнат қилдилар ва юзлаб манбаларни каталоглашириш ишини олиб бордилар.

Кейинчалик Ҳамид Сулаймон томонидан Англия, Франция ва Ҳиндистонга уюштирилган археографик экспедиция натижасида халқимизнинг буюк шоури ва мутафаккири Алишер Навоийнинг асарлари микрофильм ва фотонусхалари келтирилиб, адабий меросимиз қимматли маълумотлар билан бойитилди. Ўзбекистон Фанлар академияси таркибида Қўллөзмалар институти ташкил этилиб, адабий меросимизни ҳар томонлама тадқиқ этиши ишлари бошланниб кетди. XX асрнинг 60-80-йиллари орасида адабиётга оид нодир қўллөзмаларни чуқур ўрганиши натижасида ўзбек адабиёти тарихи ҳақида тўла тасаввур берадиган фундаментал тадқиқотлар юзага келди. Шу даврдан эътиборан тарихий ва илмий асарлар манбашунослиги қаторидан адабий манбашунослик атамаси ўз муносиб ўрнини эгаллади.

Аммо шуни ҳам тан олиш лозимки, юртимизда ўтган асрнинг бошларидан давом этиб келаётган Шарқ қўллөзмаларини ўрганиши ишлари мустабид коммунистик тузум белгилаб қўйган чегара ва доирадан чиқа олмади. Совет даврида матн замиридаги объектив мазмунни рўйирост очиб беришга изн берилмади, билакс, матн мағкура рухсат этган тамошлар остида таҳлил этилди. Бошқача айтганда, ҳақиқий «матн тадқиқи» коммунистик тузум зўравонлиги-

дан ҳуркиб, Шарқ қўлёзмаларини ўрганиши ишлари-га татбиқ этилмади. Натижада матнларни чуқур ўрганиши ишлари орқа планга сурилиб қолди. Тарихий асарлар матни замиридаги давр мафкураси руҳи хастпушлаб ўтилди. Тадқиқотчининг ёндашувида ту-зум тазийиқ яққол сезилиб турди. Ана шу кўринмас тазийиқ олимларни кўпроқ манба-қўлёзма тавсифи ва баёни билан чекланишига, матн тубига киришидан онгли равишда қочишига олиб келди. Шундан Ўзбе-кистонда манбашунослик сезиларли ривожланса-да, матнишунослик фақат номигагина мавжуд бўлиб келди. У фақат матннинг соғ лингвистик таҳлили билан шугулланувчи тилишунос олимларнинг мулкига айланиб қолди. Ҳолбуки, адабий манбаларни ўрга-нишида матн замиридаги гоя ва ёндашувлар, муаллиф талқини асосларини очиб бериш ва шу орқали асар-нинг гоявий-бадиий аҳамиятини тадқиқ этиши мухим рол ўйнайди ва шунинг билан бирга, асосий эъти-бор матнда акс этган бадиий тасвир воситалари, шеърий санъатлар, лисоний ва стилистик услублар, имплицит ва эксплицит (ботиний ва зоҳирий) маъ-ноларни тадқиқ этиши, матнларни қиёсий-типологик жиҳатдан, адабиётшунослик, тилишунослик ва тар-жимашунослик талабларидан келиб чиқиб комплекс тадқиқ этишига қаратиласди. Бу масалалар билан матнишунослик фани шугулланади.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан сўнг шарқ қўлёзмаларини ўрганиши, ҳалқимиз мулки бўл-ган турли қўлёзма манбаларни топиш, тадқиқ қи-лиши ва нашир этиши ишларининг кескин жонланиши,

айниқса, миллий уйғониши, миллий ифтихор ва гуурп мағкураси асосида ўтмиши ижодкорларимиз асарларини ўрганиши матнишунослик соҳасининг жиiddий ривожланишига турткы берди. Юзлаб қўллёзма манбалар ҳозирги ўзбек имлосига транслитерация қилиниб чоп этилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти, мамлакатимиз кутубхоналари ва маърифатли фуқароларимизнинг қўлларида сакланадиган бебаҳо қўллёзма манбалар олимлар кўмагида нашр этилиб, халқимизга тақдим этилди. Ана шундай саъӣ-ҳаракатлар натижасида биз илгари номлари буткул номаълум бўлган кўплаб аждодларимизнинг ўзидан қолдириб кетган ёзма меросидан баҳраманд бўлдик. Айниқса, бадиий асарлар матнини ўрганиши, чоп этиши ишларида сезиларли кўтарилиши бўлди. Илгари кам ўрганилган кўплаб шоирларимизнинг асарлари тўлиқ тикланиб, мустақиллик мағкураси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилди. Ушбу хайрли ишларни амалга оширишида фақат шарқшунос олимлар эмас, балки араб имлосидан хабардор барча адабиёт ихлосмандларининг ҳисса қўшгани мамлакатимизда қўллёзма манбаларни тўплаш, ўрганиши ва чоп этиши ишларининг кўтарилишига хизмат қилди. Бироқ шу билан бирга республикамизда бадиий асарлар матни тарихини ўрганиши соҳасида узок йиллар давомида йигилган тажрибанинг оммалаштирилмагани, матнишуносликнинг тадқиқот усулларидан бехабарлик оқибатида нашр юзини кўрган манбаларнинг илмий-бадиий аҳамия-

ти ва ёзма ёдгорлик сифатидаги қимматини тұлиқ күрсатишга эришилмади. Матнишунослик соҳасининг вазифалари, таснифи, нашр типлари ва принципларининг системалаштирилмаганлиги матн тарихи тадқиқига құл ураётган адабиётшуносларимизга манбаларни илмий истеъмолга киритиши ишларидан муайян қийинчилеклар түздирди. Натижада бу соҳада муайян оқсоқликлар пайдо бўлди. Айни вақтда маънавий-маърифий соҳадаги ислоҳотлар самара-сини ошириш зарурати бу йўналишдаги ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришини давр талабига айлантируди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил 24 майда имзоланган «Қадимий ёзма манбаларни саклаш, тадқиқ ва режали тарғиб қилиши тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари түгри-сида»ги Қарор матнишунослик, адабий манбашунос-лик, тилишунослик, фалсафа, маданият тарихи соҳа-таридан миллий маданиятимизнинг ҳали ўрганилмаган кўпсина қатламларини очиб беришга йўналтирилган илмий тадқиқотларни олиб бориши, қўлёзмалар билан ишлаш малакасига эга бўлган ёш мутахассисларни мақсадли тайёрлаш учун катта имконият эшикларини очди.

Ушибу қўлланма ўтмиши меросимиз билан қизиқувчи ёшлар, бўлгуси матнишунослар учун мўлжалланган. Адабий манбаларни ўрганиши, талабаларнинг мустақил илмий изланишлар олиб боришлари учун дастлабки билимлар мажмуаси сифатида тақдим этилмоқда.

I. НАЗАРИЙ МАСАЛАЛАР [МАТНШУНОСЛИК]

МАНБА ВА МАТН

Манбашунослик ва матншунослиқда матн маъноси кенг қамровли тушунча. Аслида матн деганда, муаллиф ижоди маҳсули бўлган фикр ва ғоянинг ёзувдаги инъикоси (текст) тушунилади, манба эса ёзма ёдгорликка нисбатан қўлланади. Бироқ умумқабул қилинган таомилга кўра, яхлит бир асар, қўлёзма нусха ёки ҳатто бир парча ёзув ҳам манба ёки матн деб юритилади. Ана шундай ёзма ёдгорликлар устидаги илмий тадқиқот ишларини олиб борувчилар манбашунос ёки матншунос деб аталади.

Қ.Содиков шундай келтиради: «Манбашунослик (русчада *источниковедение*) адабиёт, тарих ва бошқа фанларнинг ёзма манбаларини, ўтмишдан қолган асарларини ўрганувчи кенг кўламли ёрдамчи соҳаси-

дир. Унинг адабий манбашунослик, тарих манбашунослиги, фан соҳаси манбашунослиги (илмий асарлар манбашунослиги) сингари йўналишлари бор.

Адабий манбашунослик деганда, адабиёт тарихининг турли даврларида яратилган ёзма манбаларни, шоир ва ижодкорларнинг ёхуд муаллифи номаълум бўлган бадиий асарларнинг яратилган давридан бошлиб, то ҳозиргacha кўчирилган қўллёзмаларини, босма нашрларини, халқ оғзаки ижоди асарларини танқидий ўрганиб чиқиш тушунилади.

Тарих манбашунослиги тарих фани, ўтмишда яратилган тарих китоблари, йилномалар, расмий ҳужжатларни манба нуқтаи назаридан танқидий ўрганиш билан шуғулланади.

Илмий асарлар манбашунослиги, ўз навбатида, фаннинг бирор соҳасига (масалан, математика, астрономия, геофизика, тиббиёт, тилшунослик сингари) тегишли ёзма манбаларни тадқиқ этади. Фаннинг бу тармоғи илмий манбанинг мундарижаси ва тузилиши, асарнинг илмий аҳамияти, матн таржималари, таҳлили билан шуғулланади. Ўтмишда ота-боболар томонидан яратилган, лекин унтилган илмий манбани замонавий фан доирасига олиб киради»¹.

Матншунослик (текстология) манбашунослик каби матн тарихи устида иш олиб боради, аммо унга

¹ Содиков Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. – Тошкент: Тошкент давлат Шарқшунослик институти, 2017. 3-4 бетлар.

қўшимча равишда матннинг имплицит ва эксплицит маънолари таҳлили ва муаллиф талқини асосларини, лингвистик ва стилистик унсурларни ҳам комплекс ўрганади. Матншунослик икки қисмга бўлинади: бири – назарий матншунослик, иккинчиси эса амалий матншуносликдир (матнчилик).

Назарий матншунослик қўлёзма матнларнинг даврлар ва асрлар оша ўзгариб бориш хусусиятларини ўрганади, матн шакллари ва уларни тузиш принципларини, нашр турларига қўйиладиган талабларни ишлаб чиқади, йигилган муайян тажрибаларни умумлаштиради ва матншунослик ривожини таъминлашга қаратилган долзарб масалаларни ўрганади.

Амалий матншунослик эса муайян асар қўлёзма нусхалари асосида мақсадли танланган матн шаклини яратади (йифма-қиёсий, илмий-танқидий, илмий-оммавий) ва нашрга тайёрлаш билан шуғулланади.

Матншунослик кўп вақт ўзининг амалий томони – матнни нашрга тайёрлаш билан шуғуллангани учун уни филологиянинг ёрдамчи соҳаси деб аташ расм бўлди. Ҳолбуки, матншунослик фақат нашрга тайёрлаш техникасини ўргатувчи ёрдамчи соҳа бўлиб қолмасдан, қўлёзма асарлар матни тарихи ва талқини тадқиқини амалга оширувчи мустақил фандир.

Матнлар қадимий ва замонавий бўлганидек матншунослик ҳам манбашунос-матнчи (қадимий матнлар билан шуғулланувчи) ва ношир-матнчи (замонавий матнлар билан шуғулланувчи) каби мутахас-

сисликларга ажратилади. Ношир-матншунослар матнчи-мухаррир деб ҳам юритилади. Улар асосан амалий ишлар билан шуғулланадилар.

Манбашунос-матншуносларнинг вазифалари га адабиётшунослик ва тилшуносликка хос бўлган, тарихчиларнинг манбашунослик ва историография соҳаларидаги барча тадқиқ усулларини қўллаш киради. Матншунослик қўлёзма нусханинг матн хусусиятларидан тортиб нашр кўринишидаги барча ютуқ ва камчиликлари ҳақида тасаввур уйғотувчи тадқиқотни амалга оширади. Матн тақдири, сақланиш даражаси, нашр безаклари ва тавсифий белгиларини ўрганиш матн тушунчасининг классик таърифига сифмаса-да, адабий манбашунослик ва матншуносликда қабул қилинган матн тушунчасига биноан унинг ўрганиш доирасига киради.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, матн эдиция, археография, герменевтика, экзегетика, палеография, дипломатика, геральдика, сфрагистика, эпиграфика, нумизматика, метрология (хронология) каби соҳалар билан узвий боғлиқ. Масалан, эдиция – ҳужжатли ва мумтоз матнларнинг илмий нашрини амалга оширишdir. Археография ёзма манбаларни қидириб тошиш, бирламчи ишлов бериш, илмий муомалага киритишни назарда тутади. Кутубхона, турли фондлардаги қўлёзмаларнинг туркумлаштирилган тавсифи, археографик қиёсий таҳлили манба матнини тузишда муҳим ҳисобланади. Бундай ишлар натижалари матн

устида ишлашнинг равон боришини таъминлайди. Герменевтика қадимги ёзма матнлар мазмунини изоҳлаш билан шуғулланади, матншунослик учун асарнинг ўтмишда тутган ўрни, асар умумий мазмуни каби маълумотларни беради. Экзегетика эса диний матнларни филологик жиҳатдан таҳлил этишда матншунослик ишлари билан бевосита боғланади¹. Палеография (юнон. *palaios* – қадимий, *grapho* – ёзаман) қўлёзма асарларнинг қозоzi, муқоваси, сиёхи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади. Дипломатика фармон, расмий ёзишмалар, ҳуқуқий акт ва хужжатларни ўрганиш, таҳлил қилиш билан шуғулланади. Геральдика (юнон. *heraldus* – жарчи, нишон) герблар, эмблемалар ва нишонларнинг маъно-мазмуни, тузилишини ўрганади. Сфрагистика - (юнон. *sphragis* - муҳр) турли муҳрлар ва улардаги ёзувларни текширади. Эпиграфика (юнон. *epi* – устида, *grapho* – ёзаман) тош, металл, суяқ ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ёзилган қадимги матнларни ўрганади. Нумизматика (лотин. *numisma* - танга) танғалар тарихи, уларнинг шакли, ёзуви, зарб этилган жойи ва вактини текширади. Метрология ўлчовлар тизими, пул бирликлари, турли хисоблар, жумладан, йил ҳисоби ва тақвимларни ўрганувчи соҳадир.

Хозирги замон филологиясида матн устида ишлаш тамойиллари масалаларида кўпчилик томонидан

¹ Бу ҳақда қаранг: Мадраимов А, Фузаилова Г. Манбашунослик. – Тошкент: Фан, 2007. 9-10-б.

қабул қилинган ягона қоида йўқ. Маълумки, тарихий ва илмий манбашунослик матн тарихи, тавсифи ва матн мазмуни устида кўпроқ бош қотирса, матншунослик уларга қўшимча равишда матн талқини тадқиқига алоҳида эътибор қаратади. Шунинг учун ҳам манбашунослик тарихий ва табиий фанлар йўналишига, матншунослик асосан филология йўналишига тегишлилиги билан фарқланиб туради. Ўз навбатида матнларни бадиий ва лингвистик интерпретация этиш масалаларида ҳам ҳануз адабиётшунос ва лингвист матншунослар ўртасида бир тўхтамга келинмаганлигини қайд этиш зарур. Бу эса, матн талқин устида ишлаётган олимнинг қайси фан соҳасида иш олиб боришига ҳам боғлик.

Матншунослик тарихий ва илмий манбашунослик предмети ва вазифаларини ҳам ўз вазифаси деб билган ҳолда, қўшимча равишда муаллиф дастхати ёки унга тегишли вариантларни аниқлаш, матнда акс этган давр руҳи, муаллифнинг ғоявий ёндашуви (объектив ва субъектив) ва бадиий маҳорати дараҷасини ёритиш, унинг матн таҳрири устида ишлаш маҳоратини очиб бериш, матннинг лингвистик ва адабий таҳлилини амалга ошириш, асарнинг матносити маънолари, таржима матн бўладиган бўлса, унинг эквивалентлик даражасини текшириш, матннинг яратилиш давридан бугунгача қўлёзмадан қўлёзмага кўчиб ўтиш жараёнида лингвистик ўзгаришларга учраш, матн вариантларининг пайдо бўлиш сабабла-

рини аниқлаш ва муаллиф варианти сақланиб қолмagan тақдирда, асарнинг дастлабки кўринишига яқин матнни тузишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шу жиҳатдан матншуносликни қуидаги уч таркибий қисмга бўлиш мумкин:

- 1.Матн тарихини ўрганиш.
- 2.Матн талқини тадқиқи.
- 3.Матн тузиш.

МАТН ТАРИХИ


Матншуносликнинг асосий услубий принципларидан бири матн тарихини яхлит (комплекс) равишда ўрганишдир. Бунда матндаги мақсадли равишида ёки тасодифан киритилган ўзгаришлар ҳам, кейинги даврларда юз берган нашрий сакталиклар ҳам на- зардан қочирилмайди. Шу жараёнда матншунослик тарихий-адабий, сиёсий-жугрофий ва майший харак- тердаги турли масалаларни ҳам ўрганади. Шундан келиб чиқиб, матншунослик барча илмий соҳалар объектига дахлдор дейиш мумкин. Матн тарихини тиклашнинг халқимиз маънавий ҳаёти тарихидаги ўрни бекиёс. Зеро, қадимий қўллўзма китоб матнлари давр руҳини акс эттиради. Уларни жиддий ўрганиш муаллифнинг дунёқараши, ижтимоий воқеликка му- носабати, давр илм-фани даражаси ва сиёсий жараён- лари ҳақида муайян тасаввур бериши мумкин.

Матн тарихи муайян матн ҳақидаги барча маълумотлар йигиндисидир. У асарнинг шакл ва мазмуни

ҳакида аниқ тасаввур беради, матнга оид билвосита ва бевосита маълумотларнинг барчасини қамраб олади.

Адабиёт тарихи ўрганадиган барча масалалар матншуносликда ҳисобга олинади, бироқ унинг вазифаси аниқ. У матн тарихи ва тақдирини ёритади, матндаги ўзгариш хусусиятлари, сабаблари ва босқичларини ойдинлаштиради. Д. Лихачев матншуносликни матнларни нашр этиш жараёнидан ажратиб қарайди¹. Бу унинг рус полиграфик нашрлари, охирги икки-уч асрлик тарихга эга бўлган матнлар юзасидан олиб борган тадқиқотлари натижасида чиқарган хуносаси – «текстология асосида фақат матн тарихини ўрганиш ётади» деган тезисдан келиб чиқади. Ўзбек матншунослиги тарихини ўрганиш жараёнида биз бу тезис ўзини оқламаслигини кўрдик. Зоро, асрлар давомида ўзбек матншунослярининг заҳматли меҳнати асарнинг қўлёзма нусхасини яратишда намоён бўлган. Нашр тушунчаси қадимги қўлёзмаларни кўчириш ва тарқатиш каби анъанавий хаттотлик ва котиблик касбиға дахлдор бўлгани учун матншунослик айни ноширлик, қўлёzmани кўчириш ва тарқатиш каби жараёнлар билан узвий боғлиқдир. Ўзбек матншунослигининг рус матншунослигидан яна бир фарки шундаки, турли ёзувларда акс этган миллий ёзма маданиятимизни бугунги қунда оммавийлашти-

¹ Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. – М. – Л.: Наука, 1964, стр.7.



риш ҳам адабиётшуносларимизни нашр типларидан келиб чиқкан ҳолда муайян даражада матншунослик билан бөглиқ вазифаларни бажаришга ундейди.

Матн тарихини ўрганиш қўлёзма асарнинг мавжуд нусхаларини ўзаро қиёсий текширишдан бошланади. Матнлар *тўлик*, *нуқсонли*, *тузатилган* (редакцияга учраган) ёки *тугатилмаган* кўринишларда учрайди. Қўлёзма нусхаларда унинг тарихи бевосита қайд этилган ёки билвосита аниқланадиган белгилар ёрдамида тикланади. Бевосита белгиларга қўлёзма асарнинг яратилиш ва кўчирилиш саналари, муаллиф ва унинг асарни ёзиш мақсади ифодаланган сўзбошиси, котиб номи ёки унинг қайдлари каби матншунослик учун катта аҳамиятга эга бўлган тавсифий мезонлар киради. Билвосита белгиларга ушбу асар ва унинг муаллифи ҳақида турли асарлар, хусусан, тазкираларда берилган маълумотлар, шунингдек, қўлёзма нусхаларни қиёслаш натижасида олинадиган текстологик натижалар киради.

Матн тарихини ўрганишда тарихий ёки адабий ёдгорликнинг яратилган ва кўчирилган даврини аниқлаш, манба нусхалари кўп бўлса, уларнинг ўзаро бөглиқлигини ўрганиш муҳим ҳисобланади. Шу сабабли ёдгорликлар матни устида текстологик тадқиқотлар олиб боришдан аввал шу ёдгорликнинг мавжуд барча қўлёзмалари ҳақида маълумот йигиш, қўли остидаги матннинг кўчирилиш даври, матний тўлиқлигига қараб таснифлаш ва шундан кейингина унинг тарихи-

ни кузатиш лозим. Агар құлөзма қадимий бўлиб, бир неча асрлар давомида кўчириб келинган бўлса, қайси матнни асосий, таянч манба сифатида олиш мумкин? Кўпинча, матншунослар асосий, таянч матн сифатида кейинги манбаларда айнан тақрорланган энг қадимги нусхани асосий, таянч нусха сифатида қабул қиласидилар. Асосий, таянч нусхага талаб нашр мақсадига кўра турлича бўлиши мумкин. Агар мақсад муаллиф вариантига жуда яқин матнни яратиш бўлса (илмий-танқидий матн), асосий нусха қадимий нусхаларни солиштириш ва матн тарихини тиклаш орқали танланган нусха бўлиши мумкин. Агар мақсад ийғма-қиёсий матнни нашр қилиш бўлса, унда асосий нусха сифатида энг тўлиқ ва матн тарихини ўрганиш орқали ишончли саналган нусха асосий, таянч матн сифатида олиниши мумкин.

МАТН ТАЛҚИНИ ТАДҚИҚИ

Матн талқини тадқиқи қўлёзма асарнинг адабий манба сифатидаги қимматини баҳолаш, бадиий асар матни ҳақида тўлиқ тасаввур пайдо бўлишида объектив асос бўлиб хизмат қиласди. Қўлёзма, агар у шеърлар тўплами бўладиган бўлса, матншунос олдидиа икки вазифа қўндаланг туради. Биринчиси, қўлёзманинг тарихи ва тақдирини ўрганиш, иккинчиси эса ундаги асарнинг матнини таҳлил қилиш. Биринчи ҳолатда матншунос манбашунослар каби қўлёзманинг тавсифий белгилари, тузилиши, тадқиқ объектига айлангунча бўлган даврдаги тақдирни, умумий текстологик белгиларини ўрганади. Иккинчи вазифа матншуноснинг бош вазифаси бўлиб, матн таҳлилини амалга оширади. Бу ҳолатда унинг олдидиа асарнинг бадиий қимматини белгилаш учун чуқур поэтик таҳлилини амалга ошириш, муаллиф гоявий дунёқарашини очиб бериш ва унинг бадиий маҳорати дарајасини белгилаш вазифаси туради. Тадқиқотчи ўз

миқсадига эришиш йўлида муаллифнинг диний, фалсафий, бадиий тафаккур оламига киришга мажбур. Агар қўлёзма дидактик ёки суфиёна мазмундаги асар бўлса, матншунос муаллиф позициясини, унинг ўз даври ижтимоий муаммоларига бўлган ёндашувини тадқиқ этиб, асарда тилга олинган воқеалар, таълимотлар талқинининг объектив ва субъектив жиҳатларини очиб беради.

Муаллиф муайян воқеа-ҳодисани ўз даври, ўзи мансуб тоифанинг қарашларидан келиб чиқиб талқин қиласди. Шундай экан, матнда замон сиёсати ва жамиятнинг турли мафкуравий таъсирлари остида шаклланган қарашлар, ёндашувлар акс этиши ва турлича баҳо берилиши мумкин. Муаллиф қарashi матнда акс этмасдан қолмайди. Матнни тадқиқ этишда унда акс этган талқин йўналишига қараб, давр сиёсати, ижтимоий-иктисодий шароит, мафкуравий йўналишлар, муаллифнинг шахси, ижтимоий мавқеи, унинг дунёкараши очиб берилади.

Манбашуносларни кўпроқ тарихий фактлар, хронология қизиқтиради, бошқача айтганда, улар матн тарихи ва мазмунини ўрганишга эътибор берадилар. Матншуносларни эса, матн тарихи ва мазмунидан ташқари, матн замираida кўзда тутилаётган мақсад, талқин моҳиятини англашга бўлган эҳтиёж матнни чуқур таҳлил этишга мажбур қиласди. Буни куйидаги мисолда кўрсатиш мумкин: Исҳоқ Богоистонийнинг «Тазкираи қаландарон» тазкирасида Бобораҳим

Машрабнинг 1710 йилда Қабодиёнда Сўфи Оллоёр билан учрашуви тасвирланган шундай матн келтирилади: «Шоҳ ва яна етти қаландар ва фақир Қабодиённинг такъхонасига қўндинк. Шоҳ Машрабнинг Қабодиёнга дохил ўлмишлари оз фурсатда эл орасинда машҳур бўлмиш. Андек фурсатдин сўнг маълум ўлдики, Эшон Сўфи Оллоёр мунда эрканлар, орадан бир муддат ўтиб эрдики, Эшон Сўфининг муридларидан икки нафари келиб, шоҳга қуллуқ адосидин сўнг дедиларки, ё Шоҳи қаландар, пиrimиз Эшони Сўфи Сиз азизни ўз кулбалариға чорлайдурлар. Шоҳ Машраб алар жавобида дедиларки: маъқул, эрта нағози жумаъдин сўнг Эшони Сўфи ҳазратларига қуллуқ адосин қилғаймиз¹.

Сўфи Оллоёр ихлос билан Машраб йўлига пешвоз чиқиб, кутиб олади.

Салом-алик адосидин сўнг Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабга юзланиб: «Ё Машраби девона, шоирлик шухратингиз оламни тутадур. Сизни бирла мулоқот орзуисида эрдим, эрса Тангри таоло бу орзуимга етказди. Хуш келдингиз, сафо келтирдингиз!» дейди. Сўнг шоҳ ва Сўфи ораларида ажиб сухбат бўлиб ўтади. Гап орасида Шоҳ Машраб дейди: «Ё сўфим, Сиз бутун умрингиз мобайнида пулисиротга хушомад қилмишсиз. Ҳузурий дегани эса дўзахга хушомад этмиш. Ё сўфим, инсоф бирла тафаккур қилинса, дўзах

¹ Исҳоқ Богоистоний. Таэкираи қаландарон. Тошбосма, 156-бет.

шо пулисирот шу ёруг дунёning ўзида мавжуд эмасму¹? Фарзанди одам умрининг ибтидосидин то интихосига қадар босиб ўтмиш йўлнинг ўзи – қил устида турмоқлик; гардун ва золимлар аниг бошига ёғдирминш азобу укубатлар, сонсиз фалокатлар дўзах азобидин камму? Ё сўфим, оёкларингиз орасига бир нашр ташланг «пулисирот» ва дўзах анда мавжуддир»².

Сўфи Оллоёр Шоҳ Машрабга юзланиб: «Ё Машраби мажзуб, гуноҳга ботманг. Аллоҳ таоло беҳишт ва дўзахни солиҳ ва кофир бандалари учун яратмиш. Гофил бандаларни бу ҳақиқатдан огоҳ қилмоқ сиз ва биз учун ҳам фарз, ҳам қарзdir»-дейди. Шунда Шоҳ Машраб дедиларки: «Ё сўфим, агар ҳақиқат қилинғуси бўлса, дўзах аро барча гуноҳкорлар тўлиб-тошуб, анда оёқ босарға жой қолмас, азоб малоикалари эрса ўз юмушларининг уҳдасидан чиқолмағайлар. Беҳишт эрса бўш қолур. Келинг, то танда жон мавжуд экан, шу ёруғ дунё ташвишлари борасинда жустужу қилмогимиз маъқулроқдир...»².

Тарихчи манбашунос Н.Норқулов ўзининг «Сўфи Оллоёр ва Машраб» номли мақоласида ушбу учрашув тафсилотларига тўхталгач, шундай хуласа қиласи: «Манбаларга кўра, мазкур учрашув 1711 йили воқе бўлган. 1722 йил Самарқанд вилоятининг беги Фарҳодбий оталиқ хонга қарши исёнга бош қўшгани

¹ Исҳоқ Богистоний. Тазкираи қаландарон. Тошбосма, 156-бет.

² Уша ерда.

учун оиласи билан қирғин қилинганды. Каттақүрғон ҳокими бўлиб турган унинг иниси Сўфи Оллоёр Қуводиён, Қоратепин вилоятларида хон айгоқчила-ридан яшириниб яшашга мажбур бўлади»¹. Кўриниб турганидек, манбашунос олимни сухбат мазмуни қи-зиқтиргмаган. У тарихчи сифатида фактларга эътибор қаратади ва Сўфи Оллоёренинг ўз ватанидан узокда-лигини сиёсий жараёнлар билан боғлайди. Матншу-нос учун эса сухбат мазмуни ҳам жуда муҳим. У бу икки буюк сиймо ўртасида бўлиб ўтган сухбатдан бирининг шариат қонун-қоидаларини қатъий тарғиб этган ортодоксал ислом тарафдори экани, иккинчиси эса замонавий ислом шариати қоидаларини иккинчи даражали деб ҳисоблаган ва айни пайтда қалбан со-лиҳ банда бўлишни тарғиб этган маломатий суфий эканига эътибор қаратади ва шундан келиб чиқиб, давр ижтимоий ҳаётига баҳо беради.

Яна бир мисол: В.В.Бартольд ўзининг «Мир Али-шер ва сиёсий ҳаёт» асарида Навоий амирликдан ис-теъфо берган йилни кўрсатиш мақсадида қуйидаги тарзда Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс» асарига суж-ниб фикр юритади: «Жомий сўзларига кўра, Навоий нақшбандияни чуқур ўргангач, 881 (1476-1477) йилда ўз хоҳиши билан обрў ва эътибордан воз кечиб (амирлик назарда тутилмоқда - Ш.С.), факр йўлига

¹ Норқупов Н. Сўфи Оллоёр ва Машраб /Хожа Алоуддин Ат-тор – нақшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Денов, 2004, 35-36-бетлар.

кирди»¹. В.В. Бартольдга асос бўлган Абдураҳмон Жомийнинг сўзлари унинг «Нафаҳот ал-унс» асари дебочасидан олинган. Унда муаллиф асар яратилишига сабаб бўлган омиллар устида тўхталар экан, ёзади: «Дар таърихи санаи аҳади ва саманин ва са-манниа, муҳибби дарвишон ва мұнтақиди эшон, он ҳама аз шуғл сер ва бар фақр далер - Низомиддин Алишер, ки ба тўъу ихтиёр аз олий маротиби жоҳ ва эътибор эъроз намуда ва ба қадами таслим ва ризо бар сулуки жодаи факру фано иқбол фармуда, аз ин факир мисли он сурате, ки бар дил гузашта буд ва дар хотир мутамаккин гашта, истидъо кард»². Ўзбек тилидаги адабиётларда Жомийнинг сўзлари қуидаги кўринишида учрайди: «881 йилда дарвишлар дўсти ва уларнинг муҳлиси, ҳамма машғулотдан тўқ, фақирик йўлига ботир амир Низомиддин Алишер (бу киши ўз хоҳиши ва ихтиёри билан даража ва эътиборнинг аъло мартабасидан бет қайтариб, таслим ва ризо қадами билан фақирик ва фонийлик йўлини қабул қиласан), бу факирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди»³. Шунга асосан, шу санада Навоий суфийлик тариқатини қабул қиласан деган хулоса навоийшуносликда узок

¹ Бартольд В.В. Мир Али Шер и политическая жизнь: Сочин. В IX томах.- М.:Наука, ГРВЛ, 1964. - II том.Часть 2. -стр. 235.

² Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. ЎзФАШИ, инв. 5149, 2^а-вар.

³ Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўплам \ Нашрга тайёрл. П.Шамсиев. Тошкент: Фан, 1966. 136-бет.

йиллар ҳукм сурди. Матнга дикқат қилинса, таржима бу тарзда ўгирилмасдан, балки «Дарвишлар дўсти ва уларнинг муҳлиси, ҳамма (дунёвий) машғулотлардан тўйган, факр йўлига ботирларча отланган, ўз майлу ихтиёри билан қадру эътиборнинг олий мартабала-ридан воз кечган ва таслиму ризо қадами билан фак-ру фано йўлига юзланган Амир Низомиддин Алишер 881 йилда бу фақирдан кўнгилдан ўтган ва хотирда қарор топган шаклдагидай илтимос қилди» тарзи-да таржима қилинса тўгри бўлар эди. Зоро, Жомий жумласига синчиклаб қаралса, унда адиб сажъ усу-лини қўллаш ниятида иншо санъатида маъмул бўл-ган усул - сифатдошлар билан ифодаланган аниқлов-чиларни уюштириб келтиришдан фойдаланганлиги яққол кўзга ташланади. Қаранг: **«муҳибби дарви-шон - мўътақиди эшон»** (дарвишларга севимли бўл-ган - улар эътиқод қўйган), **аз шуғл сер-бар факр далер»** (дунёнинг ишидан тўйган - фақир бўлишдан қўрқмаган) ва шунга монанд **«эъроз намуда-икбол фармуда»** (юз ўгириган - юз қаратган). Ўз қадр-эъти-борининг ошиб боришидан манфаатдор бўлмаслик ва факру фано томон юзланмоқ дейилиши ҳали сал-танатдаги мансабдан расман истеъро берди дегани эмас. Шунга биноан, Жомий бу жумлада **«расмий ра-вишда факру фано сулукини қабул қилди»** маъносини ифодаламаётганлиги ҳам равшан бўлади. Шу нук-таи назардан Жомий фикрини шу даврда, яъни ҳиж-рий 881/1476 милодий йилга келиб, Навоий «факру

фано» сулукига ғоят мойил бўлганлигини назарда тутган, деб қабул қилиш мумкин. Маълумки, Навоий расмий равишда нақшбандия тариқатига байъат қилган эмас ва давлат ишларидан ҳам бўшай олмаган. Ундан ташқари, Жомийнинг ҳижрий 881 (1476) йил санасини келтиришдан мақсади мазкур китобнинг яратилиш ғояси туғилган пайтга эътиборни қаратиш ўди. Унинг Навоий истеъфосига алоқаси йўқ. Кўриб турганимиздек, манбашунос учун муҳим бўлмаган жиҳатларга матншунос алоҳида диққат қаратади. Шу кўриб ўтилган мисоллар матншуносликда матн талқини тадқиқига эътибор зарур эканлигини англатади.

МАТН ТУЗИШ

Маълумки, матншуносликда матн тузишнинг бир неча шакллари қабул қилинган бўлиб, улар қуйида-гилардан иборат:

1. Илмий-танқидий матн.
2. Йиғма-қиёсий матн.
3. Илмий-оммавий матн.

Бадиий асарнинг *илмий-танқидий матнини* тузиш манбанинг нусхалари кўп бўлганда амалга оширилади. Илмий-танқидий матн, бу – матн тарихини илмий ўрганиш асосида муаллиф матнига яқин вариантини тузишдир. Илмий-танқидий матн тузишнинг барча тадқиқотчилар учун қоидага айланган асосий принциплари мавжуд. Масалан, матн тузувчи асарнинг фанга маълум барча нусхаларини кўриб чиқиши шарт. Баъзи асарларнинг қўлёзма нусхалари орасидаги фарқлар кўп бўлиши мумкин. Бундай ҳолда илмий-танқидий матнни тузувчи матншунос *барча нусхаларни кузатишга* мажбур бўлади. Кўп

нусхаларга эга манбанинг илмий-танқидий матни ти тузишда *нусхаларни саралаши* муҳим ҳисобланади. Кўп нусхаларга эга манба матни устида ишлаш, айниқса, унинг илмий-танқидий матнини тайёрлаш бутун «инжиқлик»лари билан ўта нозик ва масъулиятли, тўхтосиз аниқлик ва интизом талаб этувчи «захмат»лари билан машакқатли, аммо самарали меҳнатдир¹. Илмий-танқидий матн тузишда муаллиф нусхаси(автограф) бўлмаган тақдирда *асарнинг кадими, нуксонлардан холи, ишончли нусхаси таянч матн сифатида олиниб*, бошқа нусхалардан ёрдамчи манба сифатида фойдаланилади. Жумладан, адабиётшунос Р. Зоҳид Сўфи Оллоёрнинг «Сабот ул–ожизин» асари илмий-танқидий матнини тузишда 150дан ортиқ нусханинг умумий ва фарқли жиҳатларини матншунослик нуқтаи назаридан изчил текширган ва 25 (15 қўлёзма, 10 тошбосма) нусхани қиёсий таҳлил обьекти сифатида олган². Нуксонлардан холи нусха ҳамма вакт ҳам таянч манба бўла олмайди. У тажрибали хаттотнинг маҳорати туфайли аъло дараҷадаги нусха ҳолига келган бўлиши мумкин. Чунки ҳар бир қўлёзма, биринчи навбатда, ўз даврининг тарихий ёдгорлиги сифатида ўзигагина хос бўлган муайян тарихга эга. Матншунос, аввало, нусханинг

¹ Қаранг: Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. /Нашрга тайёр. Р. Зоҳид. – Т.: Санъат журнали, 2007. 6-бет.

² Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филол. фанлари докт... дисс...— Тошкент, 2018.

Энг қадими вариантын топиши керак. Қадими нусха ҳам ҳамма вақт асл, муаллиф вариантини акс эттирмаслиги мумкин. Айрим ҳолатларда, нусхалар ичидағи анча кейин яратылғани асл, муаллиф вариантидан күчирилған нусха бўлиб чиққан ҳолатлар учрайди.

Муаллиф дастхати ёки унинг даврида күчирилған яратылған матн нусхалари мавжуд бўлса, илмий-танқидий матннинг илмий қиммати юксак бўлади.

Илмий-танқидий матнни тузишда матншуноснинг асар мазмуни, ғояси, матн тарихини чуқур билиши ва аник холосага келиши мухимдир. Бундай матнни тузишда барча жалб этилган нусхалар матни танқидий ўрганилади.

Матншунос ишга жалб этилган нусхаларни қиёсий ўрганиб, таянч нусхага солиштирған ҳолда барча матний ўзгаришларни илмий аппаратда қайд этиб боради. Тузилган илмий-танқидий матн шакли ёдгорлик ёзилган графикада нашр қилиниши бундай шаклдаги матн тузишнинг асосий принципларидандир.

Йиғма-қиёсий матн – бу имконият даражасида кўлга киритилган матнларни ўзаро қиёслаш натижасида тузилган муаллиф асарининг нисбатан тўлиқ вариантидир.

Йиғма-қиёсий матн асар нусхалари кам ёки ишончли қадими қўлёзма нусхалар мавжуд бўлмаган тақдирда амалга оширилади. Бундай матн муаллиф асари ҳақида тўлиқ тасаввур уйготиш учун тузилади.

Нигма-қиёсий матнни тузишда *мавжуд күләзмалар орасидан таянч (асосий) нусха танлаш* катта аҳамиятта эга. Таянч нусха сифатида имкон кадар түлиқ, бошқаларига қараганда ташки нұқсонлари кам, хатолари, ноаниқ жойлари оз нусха танланади.

Тарихда йиғма-қиёсий матнни тузишда муаллифга нисбат берилған барча ижод намуналари киритилған ҳолатларни учратиш мумкин. Бунга Яссавий ҳикматлари ёки Машраб ғазаллари түпламларини мисол келтириш мумкин. Уларнинг баъзилари аслида бу муаллифга тегишли бўлмаган бўлиши ҳам мумкин. Ёки кейинги даврларда тадқиқотчи томонидан муайян асарнинг ўзига маълум қўләзмаларинигина қиёсан ўрганиш, айрим ҳолатларда эса, улардаги барча таркибий унсурларни бирлаштириш орқали яхлит матн яратиш ҳоллари кузатилади. Уларни илмий-танқидий матн деб атаб бўлмайди. П.Шамсиев томонидан тайёрланган «Сабъаи сайёр» достони матни нашрда илмий-танқидий матн деб кўрсатилган¹. Шунга қараб кўпчилик уни илмий-танқидий матни деб ҳисоблайди. А.Рустамовнинг кузатишича, «Сабъаи сайёр»-нинг ушбу матни бошидан минг байт таянч қўләзма билан солишириб чиқилгандан кирқдан ортиқ турли хатолар аниқланган².

¹ Алишер Навоий. Хамса: Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий матн. /Нашрга тайёрловчি П.Шамсиев, Тошкент: 1956.

² Рустамов А. Матнчилигимиздаги нұқсонлар. ЎзАС, 1982 йил, 3 сентябрь.

«Маҳбуб ул-қулуб»нинг А.Н.Кононов томонидан тайёрланган нашри йиғма-қиёсий (сводный) матнга яхши мисол. 1948 йили А.Н.Кононов «Маҳбуб ул-қулуб» асари матнини Ленинград ҳамда Тошкент қўлёзмалар фондида сақланаётган саккизта қўлёзма нусха асосида тиклаган¹. Уларнинг энг қадимийси XVI аср бошларида китобат қилинган Ленинград нусхаси бўлиб, йиғма-қиёсий матн учун тенг нусха вазифасини ўтаган, орадаги *фарқлар илмий аппаратда курсатиб борилган*. А.Н.Кононов айнан ўзи амал қилган матн тузишдаги тадқиқот усуллари ва принципи хусусида ҳеч кандай маълумот бермайди. Йиғма-қиёсий матн тузишнинг муҳим принципи асарнинг дастлабки тўлиқ матнини тиклашдир. Йиғма-қиёсий матнлар асар илмий-танқидий матнини тайёрлаш учун илмий замин яратади. А.Н.Кононов «Маҳбуб ул-қулуб» асарининг барча нусхаларини излаб топишни мақсад қилиб қўймаган ва ўзига маълум нусхалар билан кифояланган. Матншунос йиғма-қиёсий матнни тайёрлашда ўзи қўлга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланади. Шунинг учун ҳам у ўзи тузган матнни «йиғма (сводный) матн»деб атаган. Ўша пайтлари Навоий юбилейи муносабати билан шоир ижодини оммалаштиришга бўлган шошилинч ҳаракат А.Н.Кононовга илмий-танқидий матн яратиш учун фурсат бермаган бўлиши мумкин.

¹ Наваи. Возлюбленный сердец. Сводный текст подготовил А.Н. Кононов. – М.–Л., 1948.

Йигма-қиёсий матн қайсиdir босқичда асарнинг ишланиши матни сифатида қаралиши мумкиндири, лекин илмий-танқидий матн тузилгандан сўнг ўз аҳамиятини йўқотади.

Йигма-қиёсий матнни тузишда мавжуд қўлёзмалардан қадимиисини таянч нусха сифатида танлаш, фирқоларни илмий аппаратда кўрсатиб бориш, ўзи кўнга киритган ёки имкониятида бўлган манбалардан фойдаланиш асосий принциплардир.

Шу билан бирга, йигма-қиёсий матн тузишда қунидаги принципларга риоя қилиш тавсия этилади:

- қўлёзмалар ва жалб этилган нусхаларнинг тавсифини келтириш;
- барча қўлёзма нусхаларни шартли белги билан белгилаш;
- хат тури ва матн структурасини сақлаш;
- асарнинг бошқа нусхалари мавжуд бўлмаган тақдирда нисбатан тўлиқ нусхани таянч матн сифатида қабул қилиш;
- асосий матнда ёрдамчи нусхаларни шартли белгилар билан номлаш;
- матний тафовутларни жадвалларда кўрсатиш;
- барча жалб этилган нусхалардаги матнларни умумлаштириш.

Илмий-оммавий матн ягона, янги топилган асарни эълон қилиш ёки илмий-танқидий матн асосида матннинг кенг ўкувчилар давраси талабларини на-

зарда тутувчи академик¹ нашрини тайёрлаш учун тузилади. Илмий-оммавий матнларда қўлланадиган текстологик тамойилларга шарҳ, изоҳ ва луғатлар илова қилиш (ўзбек ёзувига транслитерация қилиш) киради. Шунингдек, матнни насрй баёни билан бирга чоп этиш, матн тўлиқ тушунарли бўлиши учун таржималарни ҳам келтириш, зарурат туғилганда қўллўзма асар матнини қисқартириш, соддалаштириш, шеърий йўл билан ёзилган асар бўлса, насрй баён ёки изоҳлардан фойдаланишга рухсат берилади.

Масалан, «Хамса» достонларининг оммавий нашрлари 1939 йилдан бошлаб тайёрлаб келинмоқда. Жумладан, 1939-1940 йиллар мобайнида «Ҳайрат ул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» ҳамда «Садди Искандарий» достонлари алоҳида-алоҳида босилиб чиқди. Булардан биринчи достон шарҳ, изоҳ ва луғатлар билан, қолганлари эса достон шеърларининг насрй баёни билан китобхонга тақдим этилди. Ушбу нашрлардан мақсад кенг оммани тезроқ Навоий ижоди билан таништириш эди. Шу давргача нашр этилган «Хамса» матнлари бевосита қўллўзма ва тошбосма нусхалардан олинди. «Хамса»даги достонлар 1948 йили («Ҳайрат ул-аброр»дан бошқаси) Навоий «Танланган асарлари» сериясида иккинчи марта нашр этилди. Достонларнинг бу нашрига на-

¹ Академик нашр – муаллиф асарларининг максимал дараҷадаги тўплами. Ундаги асарлар қатъий текширилган, турли нусхалари ўзаро чоғиширилган илмий-танқидий матнга асосланган бўлиши шарт.

рий шарҳ берилмаган, лекин ҳар бирининг охирига изоҳ ва лугат илова қилинганди. 1940 йилдан кирилл ёзувига ўтилгач, лотин ёзувидаги «Хамса»ларни қайта нашрға тайёрлаш ишлари бошланади. «Хамса»ни кенг китобхонларга етказиш омма ўртасида миддий-маънавий қадриятларимиз билан таниширишда муҳим ўрин тутарди. Шунинг учун матншуносларимиз олдида матн турларининг хилма-хил шаклларидан фойдаланиш масаласи кўндаланг бўлди. Шундай матн шаклларидан бири матннинг насрини баёни шаклини тузиш эди. Бу йўналишда амалга оширилган ишлар самарали бўлди. Fafur Гулом томонидан тайёрланган «Фарҳод ва Ширин»нинг илмий-оммавий нашрида асарнинг кирилча транслитерацияси ва насрини баёни ёнма-ён берилди¹. 1957 йилдан бошлаб достонларнинг насрини ифодали нашрлари қайта босилди. Бу нашрларнинг ҳаммаси оммавий нашрлар бўлгани учун достонлар сюжетига бевосита аложаси бўлмаган боблар қисқартирилган эди. С. Айний тайёрланган муҳтасар «Хамса» 1940-1947 йиллари үкки бор нашр этилди.

Бундан ташкири, Амин Умарий ва Ҳусайн^{изода} томонидан нашрға тайёрланган «Лайли ва Мажнун» достони ҳам худди шундай усулда амалга оширилди. Бу китобда ҳам бир томонда достоннинг кириллдаги матни, иккинчи томонда унинг насрини баёни бериб

¹ Қаранг: Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Тошкент: Давлат нашриёти, 1956. 178-179-бетлар.

борилди¹. А. Қаюмов ҳам Алишер Навоий асарлари насрий баёнини тайёрлашда шу мавжуд принциплардан келиб чиқиб иш тутган. Кейинчалик Алишер Навоий асарларининг насрий баёнлари тайёрланиб, бирин-кетин нашр этилди. Улуғ шоир ва мутафаккир асарларини бундай усулда нашрга тайёрлаш ишларидан алоҳида ташаббус кўрсатган атоқли навоийшунос олим А. Қаюмовнинг хизматлари катта бўлди.

Ўзбек матншунослиги қўлга киритган тажрибалар кенг илмий жамоатчилик томонидан маъқулланди. Адабиётшунос Б. Валихўжаев мумтоз адабиёт асарларининг насрий баёнини асл шеърий матндан алоҳида тарзда эмас, балки китоб бетининг бир томонида асл – шеърий нусха ва иккинчи бетида унинг насрий шарҳ ёки баёнини келтириш тажрибасини маъқуллади ва бу анъанани изчил давом эттиришни тавсия қилди².

Шу билан бирга, шуни ҳам унутмаслик керакки, ўтган асрнинг 60–80-йилларидан бошлаб Навоий асарларини нашр этишда манбага эмас, илгари нашр этилган нусхаларга суюнилди. «Хамса» достонлари бир неча марта алоҳида ва тўлиқ ҳолларда оммавий нашрга тайёрланди. «Хамса»нинг 500 йиллиги муносабати билан чоп этилган оммавий матн вариантига филология фанлари доктори Порсо Шамсиев тайёр-

¹ Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. /Нашрга тайёрловчилар Амин Умарий ва Ҳусайнзода. – Т.: Фан, 1941.

² Қаранг: Валихўжаев Б. Ўзбек классик адабиёти тарихини ўрганишнинг долзарб масалалари // Ўзбек тили ва адабиёти, 1988 йил, – № 4, 22-б.

лаган илмий-танқидий матнлар ҳамда изоҳлар асос қилиб олинди. Мустакилликдан сўнггина Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан чоп этилган 20 жилдлик Муқаммал асарлар тўпламида илгари қисқартирилган боблар, шу давргача тузилган барча илмий-танқидий ва илмий-оммавий матнлар ҳисобга олинди. Илмий-оммавий матн принципларининг бошқа матн шакллари принципларидан асосий фарқи, биринчидан, ҳозирги ўзбек ёзувига транслитерация қилиниши бўлса, иккинчидан, кенг ўқувчилар аудиторияси талабларини назарда тутишидир. Масалан, «Мажолис ун-нафоис» илмий-танқидий матни Алишер Навоий асарлари 15 жилдлиги ўн иккинчи жилди, Алишер Навоий тўла асарлари 20 жилдлиги ўн учинчи жилди нашри учун асос қилиб олинди.

Илмий-оммавий матнни тайёрлашда матншунос ўқувчиларнинг қайси тоифасига мўлжалланаётганлигига қараб қўлёзма асар матнини қисқартириши, соддалаштириши, шеърий йўл билан ёзилган асар бўлса, насрий баён ёки изоҳлардан фойдаланиши мумкин. «Хамса» достонлари, «Маҳбуб ул-кулуб», «Муҳокамат ул-лугатайн», «Вақфия» каби асарлар матнларининг насрлаштирилган вариантлари шундай принципларга асосида яратилган.

1. Ягона нусхадаги асарларнинг илмий-оммавий матнига мисол қилиб Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Мухтасар» асари матнини кўрсатиш мумкин. Унинг Париж Миллий кутубхонасида 1308-рақами

остида сакланаётган ягона нусхасининг микрофилми 1968 йили профессор Ҳамид Сулаймон томонидан Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондига олиб келингандан эди. Адабиётшунос олим Сайдбек Ҳасанов ушбу асарни нашрга тайёрлаб, 1971 йили замонавий ўзбек ёзувига транслитерация қилиб, чоп этди. Унда «Мухтасар» қўлёзмасини кўчиришда хаттот томонидан йўл қўйилган камчиликлар, жумладан, сўзларнинг тушириб қолдирилиши, бир сўз ўрнига бошқа сўз ёзиш, айрим жумлаларни такрорлаб ёзиш, ҳарфлар ўрнини алмаштириш каби ҳолатлар аниқланиб, муайян даражада тикланган. Хаттот томонидан тушириб қолдирилган сўз ёки жумлалар катта қавс ичига олинган. Масалан: қўлёзманинг 1^а-бетида 2 сатр юқоридан «сабаби сакийл» сўзлари тушиб қолган, бу сўзлар

1. Дебоча.
2. Ҳамд.
3. Муножот.
4. Наът.
5. Ғазаллар.
6. Мустазодлар.
7. Мухаммаслар.
8. Мусаддаслар.
9. Мусамманлар.
10. Таржиъбандлар.
11. Таркиббандлар.
12. Маснавий.

13. Қасида.
14. Соқийнома.
15. Қитъа.
16. Рубоий.
17. Муаммо.
18. Луғз (чистон).
19. Туюқ.
20. Фард.

Девонларда жанрлар кетма-кетлиги бузилмаслиги шарт, аммо алифбо ҳарфларида узилиш бўлмаслиги шарти билан айрим жанрлардан намуналарни тушириб қолдиришга рухсат этилади («Фаройиб ус-сигар» ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, маснавий, қитъа, рубоийдан, «Бадоеъ ул-васат» ғазал, мустазод, мухаммас, мусаддас, таржиъбанд, қасида, қитъа, чистон, туюқдан иборат).

Шунингдек, алифбо тартибини бузмасдан терма девонлар тузиш тажрибаси ҳам маълум.

Девон қўлёзмаси матн ва сарлавҳалар, шунингдек, миниатюралар атрофига тортиладиган жадваллар, шамс, унвон – қўлёзманинг ilk саҳифаси бош қисмида тилла суви югуртириб чизилган нақш-лавҳ, саҳифаларга олтин суви билан жило бериш (тазҳиб) каби безаклар билан зийнатланади. Албатта, бундай девонлар қимматбаҳо бўлиб, улар асосан, шоҳ фармонига асосан сарой кутубхонаси ёки совға учун тайёрланган.

Баёз

Девон ва шоирлар мажмуаси, тазкиралардан фарқ қиласи. Баёз шеърлар тўплами бўлиб, бир неча шоирларнинг асарларини ўз ичига олади. Унда девондаги каби қатъий тартибга амал қилинмайди. Баёз муайян шеър жанрлари асосида ҳам тузилиши мумкин (баёзи мухаммасот, баёзи ашъор). Масалан, Хоразмда Ферузшоҳнинг фармони билан жуда кўплаб баёзлар яратилганки, уларнинг ҳар бири жанрий таркиби га кўра бир-биридан фарқ қиласи. Баёз бир шоир шеърларидан ҳам ташкил топиши мумкин (Баёзи Ҳазиний, Оғаҳийнинг «Баёзи мутафарриқа»си). Баёзда бир неча шоирларнинг шеърларидан намуналар киритилади. Унда бир шоирнинг шеърлари бир неча ерда такрорланиши мумкин. Баёзлар девон тузмаган шоирларнинг ижодий меросини тўплашда, номаълум шоирларни аниқлаш ва ижодий маҳорати даражасини белгилашда катта аҳамиятга эга.

I. Кўлёзма баёзлар, умуман олганда, қуйидагича тузилишга эга бўлади:

- 1) сарбаёз (муқаддима);
- 2) лирик шеълардан намуналар;
- 3) хотима-колофон;
- 4) фихрист (шеърлари киритилган шоирларнинг номи келтирилиши мумкин).

II. Баёзларнинг умумий белгилари:

- 1) шоирлар ҳақида маълумотлар берилмайди;

- 2) лирик жанрларда битилган шеърлардан ташкил топади;
- 3) боб ва бўлимларга бўлинмайди;
- 4) бир неча шоирларнинг шеърларидан намуналар киритилади. Сарлавҳалар қизил ёки қалин қора рангда ёзилади;
- 5) баёз бир шоир шеърларидан ҳам ташкил топниши мумкин;
- 6) баёзда бир шоирнинг шеърлари бир неча жойда такорланиши мумкин;
- 7) баёзларда турли асрларда ижод этган шоирларнинг ижодларидан намуналар келтирилиши мумкин;
- 8) намуналар кетма-кет келтирилса, биринчи намуна устига шеър жанри ва шоир номи (ғазали фалони), агар мухаммас бўлса, кимнинг ғазалига боғлангани қайд этилади (мухаммаси фалони бар ғазали фалони) , кейинги намуналар «валаҳу», айзан (яна бири) деб ажратилади;
- 9) шеърлар устунларға ажратиб ёзилиши мумкин.

Кашкул (Мажмұа)

Кашкул, аслида, қаландарлар ўзлари билан доимо олиб юрадиган ва садақа йиғадиган идишнинг номидир. Унга садақалар аралаш-қуралаш солингани ту-

файли адабиётда турли шеър, мақол, ривоят ва нақллардан тузилган мажмуа ҳам кашкул деб аталған. Улар муайян тартиб ва қоидаларга эга эмас.

Тарихий асарлар

Тарихий асарлар ёзиш жуда узок муддат ва чукур изланишларни талаб қилған. Улар асосан подшохларнинг топшириғига мувофиқ маълум бир шахсларга буюрилған.

Тарихий асарларда йилма-йил воқеалар «зикр»-лар, яъни баён, тафсилот маъносида келувчи сарлавҳаларга ажратилади. Айрим ҳолларда муҳим воқеалар алоҳида «зикр» этилади. Бундай сарлавҳалар асосий матндан ажралиб туриши учун қизил сиёҳда йирик сұлс хати билан ёзилади.

Тарихий асарлар, қоидага биноан, оламнинг яратилиши, Одам Ато ва пайғамбарлар тарихидан бошланади. Сүнғаста-секин муқаддаслаштирилған улуғ подшохларга, китобни ёзишни буюрган шоҳлар, хомийлик қилған шахсларга ўтилади.

Барча кейинги тарихчилар ўзларидан олдин ёзилған асарлардан ўз кунларигача бўлган давр тарихини ёзишда тўғридан-тўғри кўчириш орқали фойдаланганлар. Бу усул фанда «компиляция», яъни ўзлаштириш дейилади. Кўп жилдли машхур асарларнинг барчасида ушбу усул қўлланган, фақат муаллифнинг

Уш яшаган давр ҳақидаги қисми илмий ақамиятга наадир.

Илмий асарлар

Илмий асарлар бадиий асарлар қўлёзмаларидан ўзининг оддийлиги ва безаклардан холилиги билан ижралиб туради. Айрим чизмалар, рақамлар ва график тасвиirlар жадвалларда берилади. Матн ичida ийрим қайдларни алоҳида таъкидлаш лозим бўлса, ушта жумладаги бирор сўз ёки иборанинг устига қизил чизик тортиб қўйилади. Саҳифа четидаги бўш жой, яъни ҳошияда шарҳлар ёзиш, изоҳ, луғат ва бошқа қайдлар қилиниши, формулалар, чизмалар, ўсимлик ва ҳайвонларнинг суратлари чизиб қўйилиши мумкин. Ҳошия ёзувлари шу асарга шарҳ ёзган олимга, баъзи ҳолларда, қўлёзмани қўчирган котиб ёки асарни мутолаа қилганларга тегишли бўлади. Ҳошияда мутлақо бошқа асар жойлаштирилиши ҳам мумкин.

КИТОБАТ САНЪАТИ

Ислом маданиятида ёзма матнларни китоб ҳолатига келтириш санъат даражасига кўтарилиган. А.Муродов ўзининг «Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан» китобида мусулмон китобат техникаси ҳақида мукаммал маълумотларни беради¹.

Хаттотнинг матн кўчириши учун дастлаб яхши, сифатли қоғоз талаб қилинарди. XV асрларда, Навоий даврига оид қўлёзмаларга қараганда, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ўша замоннинг қоғоз саноатида энг йирик марказ бўлган. Бу қоғозлар икки турли бўлган: биринчиси фақат ипак лослардан (хеч қандай пахта толаси қўшилмай) тайёрланган бўлиб, пишиқ, жуда чиройли, яхши оҳор берилган, тоза ва силлиқликда тенгсиз қогоздир. Киши уни қўлга олганда Европанинг янги кредит билетларини ушлагандек туюларди. Буни «қоғози абрешимий» деб атардилар. Иккинчиси ярим ипакли бўлиб, ипак ва

¹ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тошкент: Фан, 1971. 16-18-бетлар.

мана ўсимлиги (каноп) толасининг тахминан эллик фониз аралашмасидан тайёрланарди. Бу қоғоз пишик, салмоқли ҳамда яхши оҳорли бўлиб, «қоғози нимкагоний» деб аталарди.

Қамиш қаламдан қоғозга сиёҳ томмаслиги учун ҳамда қаламда доим етарли даражада сиёҳ бўлиши учун сиёҳдон (давот)га тўлгунча ипак лос солинарни. Нихоят, сиёҳдон бўккан лослар қаламнинг етарли микдорда сиёҳ билан таъминланишига, котибнинг бекаму кўст ишлашига ёрдам берарди.

Хаттот қўлёzmани кўчиришга киришишдан аввал ўз олдида турган шалдироқ варакдаги сатрлар қанча бўлиши кераклигини ва улар қандай, яъни тўғри чизик биланми ё параллель чизиклар биланми ёки қийшиқ (қия) чизиклар билан берилиши керак эканлиги ҳақида эстетик талабларга мувофиқ мулоҳаза юритиб, тахминий белгилаб олади. Ундан кейин хаттот қоғоз (варак)нинг ҳажмига лойиқ ёки шу иш учун тайёрланган «мистар» (транспарант) олади. «Мистар» қалин картон қоғоздан ёки тикилган бир неча варак пишик қоғозлардан иборат бўлиб, унга ипакдан йўғон иплар тортиб қўйиларди. Бу иплар бир-биридан маълум ва teng масофада параллель қаторларда ёки қия тортилиб турарди. Хаттот бундай мистарни қоғознинг остига қўйиб, тоза қўли билан босади. Натижада, ипларнинг қоғозга (варакқа) изи тушиб, бу излар эса маҳсус чизик ўрнида хизмат қиласиди; мана шу чизик (йўл) бўйича матннинг сатрлари кўчириларди.

Хаттот қўлёzmани батамом ёки маълум бир қисмни тугатгач, қўлёzма лаввоҳ қўлига ўтади. Бу санъаткор лаввоҳ хаттотнинг барча кўчирган текстларини рангдор чизикли жадвал ичига, ҳошияни эса, одатда, қизил ёки ҳаво ранг чизик ичига оларди. Агар ҳошия рангдор бўлиши керак бўлса, у ҳолда лаввоҳ бўялган қофоздаги матн учун ажратилган қисмини кесиб олиб, кейин моҳирлик билан рангли ҳошиянинг кенг рамкасига ёпиштиради. Қоғоздаги ёпиштирилган жойлар лаввоҳ томонидан усталик билан олтин ёки рангли кашталар (чизиқлар) билан пардаланади. Иш шундай маҳорат билан бажариладики, санъатга чиникмаган кўз, албатта, бу ямоқни сезмасди.

Лаввоҳ баъзан оддий қамишдан ясалган маҳсус асбоб воситасида қўлёzmаларнинг сатрлари орасига зарҳал, сурх ёки ложувардлардан афшон беради.

Ҳошиялар ҳамма вақт факат ранг билан чегараланиб қолмасдан, баъзан унга соф олтин билан ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига оид нафис тавсирлар бериларди. Бундай тасвир (нақш)лар турли ранглардаги ҳошиялардан кўра чиройли кўринарди. Умуман, ҳошияни турли ранглар билан бўяш ёки ўсимлик услубида нақшлаш ўrniga кўпроқ иирик олтин жимжималар билан безатиларди. Бунга XV-XVI асрнинг энг яхши қўлёzmалари мисол бўла олади. Лаввоҳ қўлёzма (асар)нинг бош қисмига суюқ олтин бўёклар билан катта ва кичик нақшлар чизарди. Бу нақшлар, одатда, «унвон» ёки «сарлавҳа» деб аталади.

Лаввоҳнинг иши битгач, қўлёзма расмлар билан безалиши учун мусаввир (миниатюрачи) қўлига ўтади. Энди рассом хаттот томонидан маҳсус бўш қолдирилган саҳифа (ёки ярим саҳифа ўринлар)ни сюжетли расмлар билан безайди. Рассом дастлаб нозик сарқалам (перо) билан расмнинг композициясини (бадиий тузилиш негизини) чизади.

Қўлёзма хаттот, лаввоҳ, рассом меҳнатидан сўнг, ниҳоят, сахҳоф (муқовасоз) қўлига ўтиб боради.

Юқорида айтганимиздек, қўлёзма безагига доир ҳамма ишни (ҳатто бўёкларни тайёрлашни) рассом бажарганидек, муқова ишидаги ҳамма юмушларни ҳам муқовасознинг ўзи бажарап эди. Муқова учун картон қозоз қийқиндиларидан ёки бир неча варакларни елимлаб ёпиштириш йўли билан тайёрланади. Қоғозлар бўтқасимон суюклиқда маҳсус форма (қолип)га қуйилади ва у қотарди. Тайёр бўлган қоғозни «мағзийи реҳта», яъни «қўйма картон» деб аталади. Елимлаб ёпиштирилган картон «мағзийи сохта» дейилади. Кейинги картон биринчи картонга нисбатан монолит бўлмаса ҳам, аммо устки қисмининг силлиқлиги билан ажralиб туради, биринчи картон эса ғадир-будир ҳолда чиқар ва уни текислаш (силликлаш) учун усти елим билан чапланиб қуритилар ҳамда жилвир билан ишланарди.

Муқова, яъни қопқоқ жилди билан тикиладиган жойи алоҳида тайёрланади; жилд учун энг яхши саҳтиён тери ишланади. Ҳамадондан олиб келинадиган

биринчи даражали ошланган чарм «чарми ҳамадоний» деб аталарди. У жуда илиқ оч жигарранг тусли ва устининг ялтираб туриши билан танилган эди. Қопқокни чармга ёпиширгач, муқова қуримасданоқ нам ҳолича унга жимжимадор нақш солинарди. Агар олтин билан безалиши керак бўлса, у ҳолда тухум оки билан аччиқтош эритмаси суркалган қопқоқ устидаги чарм юзасини соф олтин япроқчалари билан қопланади. Ундан кейин қопқоқ сиртига Шарқда машҳур бўлган «хафтжўш» деб аталувчи маҳсус бўрттириб расм ишланган бронза тахтacha (лавҳа) кўйиб, бироз каттароқ йўғон мармар тахта билан қисиб кўйишар, сўнг тахтачани муқова қопқоғи устида маҳсус чўян ёки конуссимон усти текис ва қисқа дастали мис тўқмоқ билан босиб эзишарди. Натижада нам муқованинг қопқоғида тегишли чиройли бўрттирма расмлар ҳосил бўларди. Шундан сўнг иккинчи қопқоқ ҳам шу усулда ишланарди. Қопқоқнинг ички юзаси ҳам шундай қилинарди ёки текис рангли картон пухта ва бой бўрттирма нақшлар билан безатиларди.

Кейинги услуб қўйидаги йўл билан қилинади: муқованинг қопқоғидан бир неча марта кичик бўлган картон бўлагини олиб ҳамда унинг текис (силлик) қатламига бўёқ берилади. Шундан сўнг картонда юқорида кўрсатилган усулда чиройли нақшлар вужудга келарди. Картон қуригандан сўнг қопқоқли ички томонига ёпиширилар эди. Сатҳи бўш қолган томонларга олтин ёки кумуш билан бўрттирма нақш

шының нақшларни ўраб турувчи ҳошия қилинарди. Қи-
ниған муқованинг копқоқларини қуритаётганида
тоб ташламаслик учун уларни муқова тахтакач ёки
поканжага солиб секингина қисадилар¹.

¹ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. Тош-
кент: Фан, 1971, 19-бет.

ТОШБОСМА НАШРЛАР

Ўзбек матншунослигининг ривожи, янги имкониятлари кенгайишида XIX аср иккинчи ярмида Туркестонда очилган типо-литографик корхоналарнинг ўрни бекиёс бўлди. Асли литография сўзи грекча «*lithos*» – тош, «*grapho*» – ёзмоқ сўзларидан олинган. Тошбосма китоб босиш учун тошнинг сирти босма шакл бўлиб хизмат қилган, матн ёки тасвир тошбосма тошига қуюқ туш ёки маҳсус қалам билан туширилган ва нусхалар кўпайтирилган. Литография усулида китоб тайёрлашни баъзи олимлар ясси чоп этиш деб ёзишади. Жумладан, Ш.Зиёдовнинг ёзишича, ҳарф териilmайдиган, полиграфия терминологияси бўйича ясси чоп этиш усули литография бўлиб, яъни ясси чоп этиш – матн олдиндан қофоз варагига битилган ва тош шаклга тескариси туширилган аксдан нусха кўчириш усули ҳисобланади¹.

¹ Зиёдов Ш. Марказий Осиёда илк тошбосма китоблар нашри тарихидан // -Т.: Шарқшунослик, 2009, –№ 14, 136-б.

Марказий Осиёда илк типография расман Тошкентда 1868 йили ҳарбий штабда ташкил этилди. Тошкентдаги бу босмахона хизмат доираси учунгина ташкил этилган бўлиб, типо-литографияда асосан Туркистон губернаторлиги расмий хатлари, буйруклари, телеграмма ва бошқа ҳужжатларини чоп этиш мўлжалланган эди. Тошкентда бирин-кетин матбаалар иш юрита бошлади.

Туркистонда китоб босишнинг икки хил усули қўлланди. Биринчиси типографик (михбосма) усул бўлиб, унда мих шаклидаги металл ҳарфларни қўлда териш орқали китоб босилган. Бунда араб ёзуви нинг насх ёзувидан кенг фойдаланилган. Иккинчиси эса литография (тошбосма) усул, унда дастлабки, асосий ишни хаттот бажарган. Хаттот босиладиган китобнинг матнини маҳсус қофозга кўчирган. Бу қоғодаги матн тошқолип сиртига ўтказилган ва унга кимёвий ишлов берилган. Сўнгра ана шу тошқолиплардан нусхалар олинган. Хаттот тошбосмага матн кўчирганда асосан настаълик хатидан фойдаланган. Лито-типографикка нисбатан литографик усул кенг қўлланган. Бунга Алишер Навоий асарларининг 1879–1917 йиллар давомида Туркистон шаҳарларидаги кўп матбааларда босилган 70га яқин нашри фекат тошбосма усулида амалга оширилганлиги мисол бўла олади¹.

¹ Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттолар.
– Тошкент: Фан, 1991. 39-б.

Ўрта Осиёда тошбосма усулидаги дастлабки матбаа Хивада Мұхаммад Раҳимхон II саройида ташкил этилди. «Шарқда биринчи матбаа 1832 йили Эронда пайдо бўлган эди. Шунинг учун Эрондан Иброҳим Султон номли матбаачи Хива саройига таклиф этилади. Иброҳим Султон маҳаллий ёшлардан Отажон Абдаловга матбаачилик сирларини ўргатади, 1874 йилдан бошлаб баъзи ҳужжатлар тошбосма усулида чоп этила бошлайди»¹.

XIX асрнинг охири – XX асрнинг бошларида Хива хонлиги маданий ва ижтимоий ҳаётида муҳим роль ўйнаган Мұхаммад Раҳимхон II кутубхоналар ташкил этиш ҳамда қўллёзма манбаларни асраш ва қўпайтиришга катта аҳамият қаратган. Бошқа Хива ҳукмдорларидан фарқли ўлароқ Мұхаммад Раҳимхон II ўз замонининг етук шоири бўлган. У тарихий, адабий асарларни севган ва уларни қўплаб қўчиртирган ҳамда саройга тўплаган. Мұхаммад Раҳимхоннинг иккита кутубхонаси бўлиб, бири қишики қароргоҳ – Арк ичкарисида, яна бири ёзги қароргоҳ – шаҳар ташқарисидаги Тозабоғ саройида жойлашган эди. Бу кутубхоналарда ихчам феҳрист – каталоглар тузилган, китобларнинг муқоваларига уларнинг номлари битилган ёрлиқлар ёпиштирилган. Фиҳрист-каталогда қўллёзма ва литографик асарлардан жами 914 жилд

¹ Эркинов А.С., Полвонов Н.Т, Аминов Ҳ. А. Мұхаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т. : Янги аср авлоди, 2010. 9–10-бетлар.

китоб баёни келтирилган. Улар 893 асарни ташкил этиб, буларнинг 604 жилди қўлёзма бўлиб, 310 жилди тошбосма нусхалардир¹.

Шу даврда Тошкентда ҳам биринчи хусусий литографик матбаа – С.И.Лахтин матбааси иш бошлиди. 1877 йили очилган бу босмахона рус тилидаги китоблар билан бирга маҳаллий тиллардаги китобларни ҳам нашр қилишга эътибор қаратди. Тошкентдаги йирик матбаалардан яна бири – О.А.Порцев матбааси эди. У 1888 йили очилиб, китоблари анча сифатли, қофози ва муқовалари алоҳида эътибор билан танланар эди. В.М.Ильин матбааси эса 1899 йили ташкил топган, унда ўзбек адабиёти тарихига оид кўпгина китоблар босиб чиқарилган².

Самарқанд, Бухоро, Кўкон, Андижон, Маргилон каби шаҳарларда кейинчалик ривож топган матбаалар ўзаро бир-биридан кескин фарқланмайди. Лекин шунга қарамай уларнинг айрим томонлари, жумладан, нашр этиш техникаси ва сифати, асосан чоп этган асарлари мавзу мавзуда билан турлича бўлган.

XIX аср охири – XX аср бошидаги тошбосма нусха тайёрлаш жараёнида олиб борилган амалий ишлар ўзбек матншунослиги билан бевосита боғлиқ. Нашр

¹ Эркинов А.С., Полвонов Н.Т, Аминов Ҳ. А. Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т. : Янги аср авлоди, 2010. 38-бет..

² Қаранг: Маҳмудова Р. Ўзбекистондаги тошбосма матбааларда Навоий асарларининг нашр этилиши тарихидан // Адабий месор, 1968, –№1, 99-б.

учун нусхаларнинг танланиши, уларни нашрга тайёрлаш чоғида муайян таҳрир ишларининг олиб борилиши матншунослик изланишларини талаб қиласади. Кўплаб нусхалар орасидан босма нашр учун нусхаларни саралаш ҳамда нашрга тайёрлаш жараёнида уларни қиёсан ўрганиш, лозим бўлганда, матний тафовутларни бартараф этиш, хатоларни аниқлаб, ягона матнни тузиш ишлари кейинги давр матншунослигига муайян принципларнинг шаклланишига замин яратди. Шу жиҳатдан тошбосма нусхадаги китоблар Ўрта Осиё халқлари тарихини ўрганишда муҳим манба бўлиш билан бирга матншуносликнинг шу даврга хос хусусиятларини ўрганиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятли ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбек матншунослиги тараққиётида бу даврнинг ўзига хос хусусиятлари шу билан ажралиб турадики, тошбосма нусха тайёрлаш учун айнан матншуносликнинг ишини бевосита ўз вазифаси билан алоқадор ҳолда котиб, ношир, муҳаррир кабилар амалга оширган. Тошбосма нусха учун асарни кўчираётган хаттот ёки котиб ўз ишига илмий ёндашиб, қўл остидаги матнга танқидий қараган. Албатта, бундай ёндашувни ҳозирги даврдаги танқидий муносабат билан тенглаштириб бўлмайди. Аммо хаттот ва котиблар матнни нафақат кўчириш билан шугулланганлар, балки уни бадиий, фалсафий ва тарихий жиҳатлари билан бирга комплекс тадқиқ этганлар, жиддий текширувдан ўtkазиб, тегишли тузатишлар киритганлар. Ўрта

Осиё хаттотлик санъати тарихини ўрганган А.Муродов Шарқда котиблик билан ном чиқарған ҳар бир шахс оддий техник вазифасини бажарувчи киши эмас, балки ўз замонасининг маданий ҳаётида фавқулодда катта роль ўйнаган илм-маърифат аҳли ва йирик маданият арбоби бўлганини алоҳида таъкидлайди¹.

Тошбосма нашр учун матн тайёрлашда хаттот қўлёзмаларни маълум даражада ўрганиб, уларнинг ишончлилари асосида тошбосма учун матн тайёрланган ва муайян матншунослик фаолиятини олиб борган.

Котибларнинг кўпчилиги филологик билимга эга саводли, илмли кишилар бўлган. Хусусан, А.Муродов машҳур Шоҳмурод котиб шогирдларидан Ҳусниддинхон ҳақида сўз юритаркан, уни «Шарқ адабиёти тарихи ва назарияси бўйича олим ҳамда араб, форс тилларига таржимон эди»², – деб ёзади. XIX асрнинг иккинчи ярмида таржимонлик фаолияти билан танилган Алмай Қори Фазлуллоҳ Миржалол ўғли машҳур шоир ва хушнавис хаттот бўлган. Шарқ дидактик адабиётининг ўзбек тилидаги таржималари орасида энг машҳурларидан бири бўлган «Калила ва Димна» асари Алмай қаламига мансуб бўлиб, тошбосмада бир неча бор нашр этилган ва халқимиз

¹ Қарант: Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т.: Фан, 1971. 4-б.

² Ўша ерда. 152-б.

томонидан севиб ўқилган. «Калила ва Димна»нинг ўзбек тилига қилинган кейинги таржимасида қаҳрамонлар ҳамда персонажлар, мамлакат, шаҳар ва қушлар номи ҳам турли таржималарда турлича бўлганилигидан кўпроқ Алмай таржимасига таянилган¹. Бундай котиблар асар матнининг мукаммал бўлишини таъминлаганлар.

¹ Қаранг: Калила ва Димна. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1977. 253-б.

ФАКСИМИЛ НАШРЛАР

Муаллиф асарининг мўтабар қўлёзма нусхаси бўлган тақдирда, унинг факсимил (факсимиле) нашри кўплаб янги тадқиқотлар учун бебаҳо манбага айланиши мумкин. Айниқса, илмий-танқидий матнларни тайёрлашда турли давлатларда сакланаётган қўлёзма асар нусхаларининг факсимил нашрлари ниҳоятда аскотади. Илмий-танқидий матнлардан олдин факсимил нашрларни амалга ошириш илмий-танқидий матнлар savvyasiga баҳо беришда тадқиқотчилар учун кенг имконият очади. Факсимил нашр қўлёзма ёзуви, имлоси, безаклари, структураси каби асар матни тарихини ойдинлаштирувчи жиҳатларни аниқлаш ишларини осонлаштиради. Бундай нашрларда қўлёзманинг тавсифи, мундарижа ва тегишли кўрсаткичлар бўлиши, луғат қўлёзмаларида сўзларнинг алифбо сирасида берилган очкичи бўлиши шарт.

1968 йили Ҳ.Сулаймонов Алишер Навоий «Илк девон»ининг 870/1465–1466 йили машхур хаттот Султонали Машҳадий томонидан қўчирилган қўлёз-

масининг факсимилини нашр эттиради. «Илк девон»-нинг факсимилида қўлёzmанинг хати йирик настълик услубида, Хуросоннинг олий навли ипак қофозига қора сиёҳда ёзилган. Хаттотнинг хати асар матнини аниқ ифодалаган, деярли барча ҳарфларни ўқиса бўлади. «Наводир ун-ниҳоя» фотокопиясида эса, биророз хирилик бўлиб, қўлёzmани ўқишида баъзи қийинчиликлар учрайди¹. Бу хусусда С. Фаниева қўйидаги мулоҳазани билдиради: «Хатнинг ёзилиш услуби ҳақида айтиш керакки, у профессионал котиб хатига ўхшамайди. Масалан, «алиф», «коф», «лом» ҳарфлари ўнг томонга мойил қилиб ёзилган. Мисраларнинг нотекислиги эса хатнинг мистарсиз ёзилганидан белги беради. Лекин, шубҳасиз, хат китобат санъатидан пухта хабардор одамнинг қўли билан ёзилган. Ҳарфларнинг муайян мутаносиблигининг сақланиши, ҳар бир ҳарфнинг аниқ ифодаланиши, хусусан, ҳарфларнинг нуқталари алоҳида-алоҳида қўйилиши фикримиз далили бўла олади. Айни чоғда ҳарфларнинг уста остики нуқталарининг аниқ ва дона-дона қўйилиш ҳолини қадимги ўзбек тилидан хабардор бўлмаган форсийзабон котибларга енгиллик тұғдириш мақсадида қилингандигидан далолат берувчи омил деб қараш мумкин»². Факсимил нашрларнинг яна бир гўзал намунаси Алишер Навоийнинг Оққуюнли давлатида

¹ Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя. /Нашрга тайёр., сўзбоси музаллифи С.Фаниева. – Т.:Фан, 1991.

² Ўша жойда. 8-бет.

шаган мухлислари томонидан тайёрланган девон бўлиб, Афтондил Эркинов томонидан топилиб, нашр ишлган¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ҳозирги даврда дунёдаги барча кутубхоналар ўз захираларидағи манбаларни электрон күринищда эълон қилмоқдалар. Ушбу имконият қўллёзма асарларнинг рақамли нусхаларини олиш, келишган ҳолда факсимил нашрларини амалга ошириш ва тадқиқ этиш ишларини йўлга қўйишни бир мунча осонлаштирумокда.

¹ Эркинов А. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471). Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва кириш муаллифи А.Эркинов. Факсимиле. ILCAA, 2015.

МУХРЛАР

Мухрлар билан шуғулланиш фанда **Сфрагистика** - (юнон. *сфрагис* - мухр) дейилади. Мухр ва тамғалар манбашуносликда мухим аҳамиятга эга. Мухрлардан давр ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, санъати ва адабиёти тарихи билан боғлиқ маълумотларни англаш мумкин. Б.Ражабова «Девону луготит турк» асарида келтирилган тамғалар ҳақида гапирар экан, Махмуд Кошғарий туркий халқларнинг ўтмиши, менталитети, эзгу мақсадларини ўзида мужассам этган тамғаларнинг йигирмадан ортиқ расмли ёзув тасвирларини илова қилгани, иккинчидан, тамға давлат нишони, белгисн сифатида, учинчидан, кулдорларнинг ўз қулларига босадиган хусусий тамғаси ва түртинчидан эса, хукмдорларнинг авлоддан-авлодга қолувчи хонлик, хукмдорлик белгиси ва давлат, сулола рамзи бўлмиш тамға, тавқеъ, мухр каби маъноларида ҳам келганини қайд этади¹.

Фан тарихида мухрларни ўрганиш геральдика

¹ Ражабова Б. Муштарак адабий ҳодисалар. Тошкент, 2019, 30-бет.

(терблар тарихи) ва нумизматика (тангалар тарихи) каби фан соҳалари қаторида жиддий тадкиқот объекти саналади. Дунё давлатчилиги тарихида муҳрлар билан боғлиқ воқеалар кўпроқ тарихий шахслар ҳақидаги хикоя ва қиссаларда келтирилган. Ривоятларга кўра, Бобил ҳукмдорлари узук кўзига муҳр қўйиб, қўлларига такар эканлар. Миср амалдорлари ҳам узукка муҳр ўйиб кўпинча бош бармокларига таққанлар ва имзо ўрнида фойдаланганлар. Муҳрдаги ёзувлар имзо вазифасини ўтаса-да, соҳибининг ҳаётый шиорини англатган. Қадим яхудийлар подшоҳи Сулаймон пайғамбар бармоғидаги узугига «бу дунё ўткинчидир» деб ўйиб ёзилган экан. Амир Темурнинг узугига «rosti-rusti», яъни «юксалиш тўғриликда» деб ёзилган бўлиб, унинг шиори тараққиётнинг гарови бўлган адолатни қарор топтириш эканлигини англатади. Хитойда амалдорлар муҳрга ўзлари учун тумор ва муқаддас саналган ҳайвонлар суратини солиб камарларига тақиб юрганлар. Муҳаммад (с.а.в.) қабилаларни ислом динига даъват қилиб юборганномаларида кумушдан ясалган узук кўзига ўйдирилган муҳрдан фойдаланар эканлар. Унда «Муҳаммад Расулulloҳ», яъни »Муҳаммад – Аллоҳнинг пайғамбари« деб ёзилган экан. Алишер Навоийнинг муҳрига «Бу дунёдан ғариб ва факирдек яшаб ўт» деган ҳадис ўйиб ёзилган.

Муҳрдаги ёзувларни ўқиш муайян тажриба талаб қиласи. Баъзи муҳрларни юқоридан пастга, баъзиларини пастдан юқорига қараб ўқиш лозим. Айрим

пайтларда муҳр безаги гояси, узук кўзи ўлчови, ҳажмидан келиб чиқиб, ўргада ёзилган сўздан юқори ва куйига қараб ўқиш лозим бўлади. Ҳар бир ҳарфни ўз ўрнига кўйиб чиқиш ҳам мураккаб вазифалир.

Муҳрлар тарихий манба сифатида ҳам фанга муаяян маълумот бериши мумкин. Масалан, Самарқанднинг Боғишамол қишлоғида олиб борилган археологик қазишмалар жараёнида топилган бир узукда ажо-йиб нақшлар орасида куфий хат билан «Али» сўзи тўрт марта ёзилган экан. Агар шу ҳарфлар абжад билан рақамларга айлантирилса, 440 рақами ҳосил бўлади. Бу ҳижрий 440 йилни англатади (милодийга айлантирусак, 1048 йилга teng бўлади).

Баъзи муҳрларда муҳр эгаси ва отасининг исми учрайди. Бу ўзига хос шахсни билдирувчи хужжат вазифасини ҳам ўтаган. Айрим муҳрларда шахс исми ва унга хос бўлган айрим унвонлар, фазилатлар шеърий усулда ҳам келтирилган.

Қўллўзмаларга урилган муҳрлар эгалик ҳукуқини англатади. Ўтган замонларда ҳар бир амалдор, мулқдор ва ўзига тўқ одамларнинг шахсий муҳрлари бўлиб, хужжатларга, шунингдек, ўз кутубхонасидағи қўллўзмаларга босгандар. Шу муҳрларни ўрганиш орқали матншунос ва манбашунослар қўллўзма манба тарихини ёритганлар. Айрим кишилар ўзлари мутолаа қилган қўллўзмаларга ҳам муҳр босгандар. Бу, ўз навбатида, ушбу қўллўзма нусха кимларнинг назаридан ўтганлигини ҳам аниқлаб беради

II. АМАЛИ Й МАТНШУНОСЛИК (МАТНЧИЛЫК)

МАТНШУНОСЛИКНИНГ ТАДҚИҚ УСУЛЛАРИ

Матншуносликнинг тадқиқ усуллари бир қанча бўлиб, умумэътироф этилган қоидаларга матний тафовутларни таҳдил килиш, кўчиришдаги хатоликларни таҳдил этиш, Муаллиф матни хатоликларини аниқлаш, матнни онгли равишда ўзгартириш ҳолларини аниқлаш, кўлёзма тавсифини амалга ошириш, конъектура йўли билан матнни тиклаш, қўшимчалар ва тушириб колдиришларни аниқлаш, глосс ва интерполяциялар тахлили, кўлёзма нусхалар ўртасидаги фарқлар тахлили, нусхалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаш, матнларни классификация қилиш, текстологик белгиларни аниқлаш, матнларни тиклаш (реконструкция), матнларни саналаштириш, матннинг яратилиш жойини аниқлаш, атрибуция, атетеза ва асосий матн тузиш усуллари киради.

1. Кўлёзманинг ўлчамларини ҳисоблаш. Манба-шунослик ва матншуносликда тавсиф қўлёзманинг ўлчамларидан бошланади. Қўлёзма асарларнинг ўлчами рус шарқшунослигига эни ва бўйини сантиметр ҳисобида олинган узунлиги билан белгиланади. Шундан сўнг вараклар ўнгдан бошлаб «а-б» шаклида рақамлаб чиқилади. Масалан, 24 варак (88⁶-111⁶), 15X22.

Европа шарқшунослигига эса inch (дйюм) ўлчов бирлиги (1 дйюм – 2.54 см ёки 25.4 мм.) билан хисоблаш қоидага киритилган. Масалан, қўлёзма ўлчамлари қўйидагича қайд этилади: Book of 328 pages, 5 ¹/₄ by 8 ¹/₂ inches. Сатрлар сони, қаторлар узунлиги, варакнинг формати ва бошқа ўлчамларни аниқлаш методикаси XX аср бошларида А.Кларк томонидан ишлаб чиқилган¹.

2. Атрибуция ва атетеза. Атрибуция деганда матн муаллифини аниқлаш тушунилади. Атетеза эса, муайян асарнинг муаллифи нотўғри кўрсатилган тақдирда, уни ноўрин муаллифликдан ҳимоя қилишга айтилади. Атрибуция ҳолатида матншунос матннинг, масалан, ғазалиёт бўладиган бўлса, мақтаъдаги тахаллус воситасида матн классификацияси, саналарни белгилаш, текстологик белгилар, матннинг яратилиш жойини аниқлаш каби бир қанча текстологик тадқиқ усулларидан фойдаланиб, муаллиф номи ва таржимаи ҳолини тиклаши мумкин. Атетеза ҳолатида эса,

¹ Clark A. C. The Descent of Manuscripts. Oxford, 1918.

баҳс қилинаётган муаллифнинг барча асарлари қиёсан ўрганилиб, худудий ва даврий, ғоявий, услубий, текстологик жиҳатдан комплекс тадқиқ амалга оширилади ва хулоса чиқарилади.

3. Конъектура йўли билан матнни тиклаш. Конъектура деганда матн контекстидан келиб чиқиб матндаги хато ёзилган ўринлар ёки ўқиб бўлмас дарражада ўчиб кетган сўз ва жумлаларни тиклаш тушунилади. Конъектура фақат беихтиёр равишда ёки эътиборсизлик туфайли йўл қўйилган хатоларни тузатишга нисбатан қўлланади.

4. Глосс ва интерполяциялар таҳлили. Қўлёзма нусхаларнинг ҳошияларида учрайдиган изоҳлар, тўлдиришлар, конкретлаштирувчи мулоҳазалар, бошқа манбаларга ҳаволалар, Қуръони карим оятлари ёки ҳадислардан шу муносабат билан келтирилган мисоллар матншуносликда глосс деб аталади. Улар асосий матндан алоҳида бўлиб, умумий мазмунни тўлдиришга хизмат қиласиди. Замонавий матншуносликда изоҳлар номи остида келтириладиган барча маълумотлар глоссга тааллуклидир. Қадимий манбаларда уларни сахифадаги асосий матн ҳошиясида ёзиш расм бўлган. Аммо қўлёзмадан нусха кўчириш жараёнларида айрим хаттотлар ҳошиядаги битикларни асосий матнга қўшиб юборган ҳолатлар ҳам учрайди. Бундай ўзбошимча таҳrir интерполяция дейилади. Интерполяцияни асосий матндан ажратса олиш матншунос олдида турган мураккаб вазифалардандир.

Матншунос асосий матннинг ўзига хос услуби ва структурасини жиддий ўрганиш орқали интерполяцияни аниклаши мумкин. Шунингдек, қўлёзма матнининг илгари ўчиб кетиши, йиртилиши натижасида маъно мавҳумлигига сабаб бўлган ўринларини ва айни шу нусхадан кўчирилган кейинги нусхалардаги матн бўлакларини қиёслаш орқали интерполяцияни ажратиб олиш мумкин.

5. Матнларни таснифлаши (классификация қилиши). Матнлар жанр ва нашр турлари бўйича таснифланади. Жанр турларига адабий (девон, достон-маснавий, қасида ва шу кабилар), тарихий (тарих-йилномалар, тазкира-эсдалик, маноқиб, вақфия ва шу кабилар), ёзишмалар (мактубот, руқъаот, муншаот ва шу кабилар), диний (тафсир, таъвил, фикҳ, калом, тасаввуф ва шу кабилар), фан соҳаларига багишланган матнлар киради. Турли тўпламлар, монографик рисолалар, мажмуалар, баёзлар шаклида кўчирилган ёки тошбосма усулида чоп этилган асарлар нашр турлари бўйича таснифланади. Таснифлаш матншунос учун муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тадқиқ этилаётган матн турли жанр ва нашр турларига хос белгиларга эга бўлиши мумкин. Масалан, тазкираларда биографик маълумотлар билан бирга шеърлардан парчалар, хатлардан намуналар ёки тарихий лавҳалар қоришиқ келади. Девонлар эса, муайян структурага эга бўлиб, бутартиб бузилиши унинг мажмуага айланиб қолишига олиб келади. Баёзлар тазкиралар каби тўплам-антон-

логиялар характерида бўлса-да, уларнинг таркибини шоирлар ижодларидан намуналар ташкил этади.

6. Матннинг яратилиши жойини аниқлаш. Матн муаллифи аниқ бўлмаган ҳолатларда матннинг яратилиш жойига қараб муайян хулосаларга келиш мумкин. Бунда матн воқеалари баёни, ҳошиялар ва очик саҳифалардаги қайдлар, муҳрлар каби матн тарихини очишга имкон берадиган барча имкониятлар ўрганилади. Матндаги шевага хос фонетик, морфологик ва лексик шакллар, муайян маконга хос маросим ва урф-одат, анъаналар матннинг яратилиш жойини аниқлашда яхши кўрсаткич бўла олади.

7. Текстологик белгиларни аниқлаш. Кўлёзма асарлар ўз кўчирилиш тарихининг муайян босқичларида бошқа ном остида кўчирилиши ҳам мумкин. Асарнинг халқ орасида машҳур бўлган номи ёки шу жанр гуруҳига кирувчи атамалар бунга сабаб бўлади (масалан, «Ҳидоя», «Мухтасар», «Викоя» ёки «Хазоинн ул-маоний», «Чордевон» кабилар). Асарнинг асл номини тиклаш учун матншунос ўзи тадқиқ этаётган қўлёзма асарнинг нусхаларини киёсан ўрганиб, саралаш йўли билан улар орасидан матни айнан такрорла-наётганларини ажратиб олади. Уларнинг аҳамиятга эга ўхшаш жиҳатларини, яъни текстологик белгилари ўртасидаги мутаносибликни тиклайди. Номи бир хил бўлган матнлар ўртасида фарқ бор ёки йўқлигини кузатади. Текстологик белгилар барча тавсифий алломатлар, таҳрир изларини ўз ичига олади.

8. Матнни тиклаш (реконструкция қилиши).

Матншунос асосий матнни тузишда қўлёма асар нусхаларида учрайдиган фарқлар, тушириб қолдириш ёки қўшиб ёзиш каби ҳолатларга дуч келади. Уларнинг тўғри-нотўғрилигини текшириш ва аниқ тўхтамга келгандан сўнг асосий матнга тузатиш киритиш матншуносдан катта меҳнатни талаб қиласди. Бу жараёнда юқорида тилга олинган айрим усуллардаги каби қадимиyroқ нусхаларга таяниш иш бермайди. Матншунос бирламчи матн билан ўзи тузатаётган асосий матн орасида кўчирилган нусхалардаги матн бўлагини чиройли ва яхши ўқилаётгани нуқтаи назаридан эмас, мантиқ жиҳатидан боғланиши ва муаллифнинг ғоявий-бадиий савия ва даражасига мутносиблиги жиҳатидан келиб чиқиб таҳлил қилиши лозим.

9. Матнни саналаштириши. Матннинг санаси бўлмаган тақдирда матншунос нусхалардаги тафовутлар, бирламчи матн варианти хақида хулоса чиқаришга қийналади. Кўлёзма асарни ёки унинг нусхасини саналаштириш нусханинг тавсифий белгилари, қоғози ёки ҳошиялардаги қайдлар воситасида тахминан белгиланиши мумкин. Сананинг белгиланиши нусхалар таҳрири ва бошқа хронологик воқеаларнинг матн кўчирилиши билан bogлиқ жараёнларга таъсирини аниқлаш учун муҳимдир.

10. Матний тафовутларни таҳлил қилиши усули. Матний тафовутларни таҳлил этиш «асл» ёки

«дастлабки» матнни тиклаш йўлида ўтилиши шарт бўлган бўғиндир. Матншунос матн тарихидаги барча даврий ўзгаришларни кузатиб, уларнинг содир бўлиш сабабларини аниқлаши жуда муҳим. Таҳлил оддий фарқларни ўрганишдан бошланиб, охирида умумлаштирувчи хуросаларга келиш билан тугайди. Фарқлар кўлёзма нусхалари орасида, хронологик тартибда, макон ва худуд тартибида гурӯҳлаштирилган ҳолда қиёсланади. Матний тафовутлар хаттот ва котиблар томонидан сўзни нотўғри ўқиши сабабли, шунингдек, муаллиф ёки котиб томонидан онгли равишда қилинган таҳрир туфайли пайдо бўлган бўлиши мумкин. Матншунос фарқларнинг сабабини аниқ белгилаши лозим. Шундагина матн тарихи объектив кўриниш касб этиши мумкин.

11. Муаллиф матни хатоликларини аниқлаш усули. Айрим ижодкорлар ўз асарларини кўчира туриб, хаттотлар фаолиятида кўринган хатоликларга йўл қўйишлари мумкин. Масалан, айрим ҳарфларнинг тушиб қолиши, саналарнинг нотўғри белгиланиши, сарлавча ёки айрим жумлаларнинг қисқариши механик тарзда рўй бериши мумкин. Хатонинг муаллиф томонидан онгли равишда қилинмаганлигини аниқлаш муаллифнинг ғоявий позицияси таҳлили, илмий-бадиий иқтидори, матн мазмунига талабчанлиги даражасини ўрганиш орқали амалга оширилади.

12. Кўчиришдаги хатоликларни таҳлил қилиши усули. Кўлёзма нусхани кўчириш жараёни тўрт ҳа-

ракат мажмуидан иборат бўлиб, танланган матнни ўқиши, матнни эслаб кўчириши, ичида такрорлаб кўчириши ва, ниҳоят, матнни тушуниб-тушунмай кўчириши ўз ичига олади. Кўчириш жараёнида кўплаб хатоликларга йўл қўйилиши мумкин. Бунга сабаб ко-тиб аслият ҳуснихати ҳусусиятларини яхши тушуна олмаган бўлиши мумкин. Матншунос қўлёзма нус-хадаги хаттотлар услубини диққат билан ўрганиши, ҳарфларнинг «бежирим тасвирлари» ўртасидаги боғ-лиқликка, уларнинг ўзига хос безак-унсурларига эътибор бериб, хатолик нима сабабдан содир бўлганини аниқлаши лозим. Баъзи ҳолларда, хаттотлар сўзни ўқий олмасалар, контекстдан келиб чиқиб, ўзларича матнни тузатиб ёки тўлдириб кетгандар. Матншунос томонидан холис аниқланган хато қиёсий таҳлил ор-кали асосий матнда тузатиб борилади.

13. Матнни онгли равишда ўзгартириши ҳолла-рини таҳлил қилиши усули. Матн касддан ёки беихтиёр ўзгартирилганини фарқлаш мураккаб таҳлилий жараённи талаб қиласди. Матн ўзгартирилган ҳоллар хаттот ёки котибнинг «ўта билағонлиги», шундай бўлиши керак эди ёки бўлган бўлиши мумкин, деган иддаода матнни тузатиб кетиши натижасида юз беради. Матншунос, аввало, манбаларнинг хронологик ёшига қараб фарқлар динамикасини тушиб чиқиши лозим. Ўшанда ўзгартириш манба «тақдири»нинг қайси босқичида юз бергани маълум бўлади. Шундан сўнг манбанинг кўчирилиш санаси, даври ва худуди,

даврнинг устун ғоявий, сиёсий йўналишлари ўрганилади. Ушбу тахлиллар ўзгартириш қасддан ёки беихтиёр қилингандигини аниқлаб беради.

14. Асосий матн тузиши усули. Асосий матн тузиш матншунослик тадқиқ усулларини комплекс ра-вишда ишга туширишни тақозо этади. Асосий матн тузиш, бу – муаллифнинг асл, бирламчи матнини тиклаш эмас. Муаллиф матнининг асл ҳолатини тиклаш деярли мумкин эмас. Матншунос фақат матннинг муаллиф вариантига яқин кўринишини тузиши мумкин. Асосий матн дейилганда, матншунос томонидан нашр учун тузиладиган қўлёзма асарнинг сўнгги варианти назарда тутилади.

15. Қўшимчалар ва тушириб қолдиришиларни аниқлаш усули. Манбалар қиёсий ўрганилганда, кўпинча, бир нусхадаги муайян матн бўлраги иккинчи нусхада тушиб қолган бўлади. У чиндан тушиб қолганми ёки аксинча биринчи манбадагиси қўшилиб қолганми, бу хар иккала манбани жиддий текширишдан ўтказишни талаб қиласди. Ушбу тадқиқ усули хар иккала манбанинг ўз «қиёфадош»ларини тўплашдан бошланади. Икки гурух манбаларини ўрганиш асосида энг қадимийси аниқланади, сўнг ўзгаришга учраган манба давригача кўчирилган манбалардаги ҳолат ўрганилади. Ўзгаришга учраган нисбатан қадимиЙ-роқ манба учраган тақдирда, унинг тавсифий, даврий ва худудий белгиларини ўрганиш орқали ўзгариш бўйича холоса чиқарилади.

16. Күлөзма нусхалар ўртасидаги фарқлар таҳлили. Матншунос күлөзма асар нусхалари устида ишлар экан, уларнинг қайси матндан кўчирилганлигини аниқлаши нусхалар ўртасидаги фарқларнинг пайдо бўлиш сабабларини ойдинлаштиради. Бу жараёнда нусхалардаги матний ўзгаришлар хронологик тартибда гурухлаштирилади ва энг қадимий нусхалар билан солиштирилади. Ушбу таҳлил натижасида асарнинг дастлабки варианти ҳақида муайян тасаввурга келинади.

17. Нусхалар ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва муносабатни аниқлаши усули. Күлөзма ва тошбосма усулларида чоп этилган асарлар ўрганилаётганида муайян асарнинг қайси матн асосида кўчирилганлигини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Ўрганилаётган асар асл нусха ёки ягона копия сифатида етиб келган бўлса, табиийки, ушбу усул қўлланмайди. Бироқ асл нусха ҳам, кўплаб копия нусхалар ҳам мавжуд бўлган тақдирда матн тарихини ёритиш нуқтаи назаридан, шунингдек, нусхаларнинг жўгрофий-худудий ва даврий жиҳатдан кўп ёки кам кўчирилганлиги, сифат даражасига қараб ўша даврлардаги адабий жараёнлар ва мазкур асарга бўлган муносабат аниқланади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқ усуллари матншуносликнинг кўлёзмалар билан боғлиқ фаолият соҳасида қўлланади. Замонавий адабиётлар, адабий архив материаллари, даврий матбуот тадқиқи билан

шүгүлланадиган матншунослик тадқик усуллари улардан фарқ қиласи.

ХИЖРИЙ ЙИЛНИ МИЛОДИЙГА ТАБДИЛ ҚИЛИШНИНГ ОДДИЙ ФОРМУЛАЛАРИ

Хижрий йилни милодийга айлантириш учун хижрий йилни 33га бўлиш керак. Сабаби, ҳар 33 йилда хижрий йил ҳисоби милодий йил ҳисобидан бир йилга қўпаяди. Ҳосил бўлган сонни хижрий йилдан айириб, қолган сонга 621 ни қўшиш лозим.

Бунинг формуласи қуидагича:

(Хижрий:33)-Хижрий +621=Милодий йил

Масалан, 876 ҳижрий йилни милодийга айлантириш учун қуидаги амал бажарилади:

$$876:33=26.54$$

$$876-26.54= 849.46$$

$$849.46+621=1470.46 \text{ (милодий 1471 йил)}$$

Кўриб турганингиздек, қолдиқ бир бирлик ҳисобланиб, йигиндига қўшилади.

Яна бир формула: Бунда ҳижрий тақвим боши 622 деб қайд этилади. Бу ҳолатда қолдик сон ҳижрий йил кейинги милодий йилда тугашини англатади:

$$(X+622)-(X:33) = M.$$

Юқоридаги мисолни ушбу формулага соламиз:

$$876+622 = 1498$$

$$876:33 = 26.54$$

$$1498-26.54 = 1471.46$$

$$\text{Хижрий } 876 = \text{милодий } 1471-1472$$

Бошқа бир формулада ҳижрий тақвим боши 621.6 деб олинади. Күриб чиқилаётган ҳижрий йил 0.97 га күпайтирилади:

$$(\text{Хижрий } x 0.97) + 621.6 = M$$

Масалан, 1422 йилни милодийга айлантириш:

$$1422 \times 0.97 = 1379.34$$

$$1379.34 + 621.6 = 2000.94 \text{ (2001)}$$

Қолдик сон бир бирлик ҳисобланиб, йифиндиға күшилади.

Милодийни ҳижрийга айлантиришнинг оддий формулалари

Милодий йилни ҳижрий йилга айлантириш қўидаги формула асосида амалга оширилади:

$$(M-621):33 + (M-621) = X$$

Масалан, 1962 йилни ҳижрийга айлантириб кўрайлик.

$$\begin{aligned} 1962-621 &= 1341 \\ 1341: 33 &= 40,64 \\ 1341+40.64 &= 1381.64 \text{ (1382).} \end{aligned}$$

Демак, 1962 йил ҳижрийда 1382 йилга тўғри келади.

Яна бир формула: $M-622 + (M-622):32 = X$

Мисол: 2003 йилни ҳижрийга айлантириш

$$\begin{aligned} 2003-622 &= 1381 \\ 1381:32 &= 43.15 \\ 1381+43.15 &= 1424.15. \end{aligned}$$

Қолдик сон ҳижрий йил кейинги милодий йилда тугашини англатади. Демак,

Милодий 2003 йил = ҳижрий 1424-1425.

Яна бир формула: Ҳижрий тақвим йил 621.6 кун деб олинади. Ҳижрий ва милодий йил ўртасидаги фарқ 33 эмас, 32.5 йил этиб қайд этилади.

$$(M-621.6):32.5+(M-621.6) = X$$

Масалан, 2001 йилни ҳижрийга айлантириш кепрек.

$$2001-621.6 = 1379.4$$

$$1379.4:32.5 = 42.44$$

$$1379.4+42.44 = 1421.84.$$

Қолдик сон бир бирлик сифатида натижага қўшилади. Демак,

$$2001 \text{ йил} = 1422 \text{ ҳижрий}$$

В.Цибульский ўзининг синхрон жадваллар ва изоҳлар тўпламида¹ қуйидаги формулани таклиф ўтган:

$$M - 621 + (M-621: 32) = X$$

У ҳижрий ва милодий йил ўртасидаги фарқни 33 йил эмас, балки 32 йил деб олади. Шунга биноан,

¹ Цибульский В.В. Современные календари стран Ближнего Востока и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения. Москва, 1964. стр. 18.

хижрийни 32 га бүлгандა ҳосил бүлдиган қолдик-
ни ҳисобга олмайди. Куйида милодий 1962 үйлни
ушбу формулага татбиқ этамиз:

$$1962 - 621 = 1341$$

$$1341 : 32 = 41, 9$$

$$1341 + 41 = 1382 \text{ хижрий үйл.}$$

ХАТ ТУРЛАРИ

Жаҳон тарихида ислом динининг пайдо бўлиши ва ислом маданиятининг дунё бўйлаб тарқалиши араб ёзувининг «Қуръон тили» сифатида муқаддас тил мақомини олиши ҳамда алоҳида муҳаббат билан каралашига олиб келди. Араб ёзуvida ҳарфларнинг шакл жиҳатидан турли суратларда акс эттириш имконияти уларни гўзал тасвирга айлантириш орқали эстетик завқ улашишга бўлган интилишни кучайтирди. Натижада арабий ҳарфлар билан ёзиладиган бир неча хат турлари пайдо бўлди. Улар ўзининг сержилолиги ва мафтункорлиги билан санъат асарига айландилар. Бу санъат ҳусниҳат (каллиграфия) номи билан аталди.

Қуръони карим нозил бўлган даврларда араблар ёзуви «хатти маъқалий» деб аталган бўлиб, миххатларга ўхшаган тик чизиклар билан ифодаланганд. Ушбу хат Маккада ёки Басрада Маъқал исмли олим томонидан яратилган деган тахминлар бор. Аммо

улар узоқ истеъмолда бўлмаган. Дастребки араб ёзуви сифатида куфий хати эътироф этилади. Ушбу хат тури Куфа шаҳрида яратилгани учун шундай ном олган. Куфий хатида илк маротиба думалоқ ҳарфлар қўлланана бошлаган. Меъморчилик, наққошлиқ санъатида қўлланган.

Шу даврдан бошлаб хат турлари кўпая бошлаган. Кейинчалик араб олими Ибн Муқлаъ (Х аср) уларни етти турга ажратиб номларини кўрсатиб ўтган¹.

1. Муҳакқақ хати. Бу хат кўпроқ текис ёзилади. Шу учун куфий хатга ўхшаб кетади. Қасидаларда кўп қўлланган.

2. Сулс хати. Бир нарсанинг учдан бир улушига сулс дейилади. Хатнинг бундай номланишига сабаб қаламнинг учдан бири билан ёзилади. Ибн Баввоб ихтиро этган. Меъморчилик, наққошлиқ санъатида, илмий асарларда қўлланган. Китобларда боб ва сарлавҳалар шу хатда кўчирилган.

3. Тавқиъ хати. Бу хатнинг ярми думалоқ ва ярми текис бўлиб, куфийга ўхшаб кетади. Бу хат асосан қозилар ва ҳокимлар ҳужжатларни имзолашда қўлланган. Буйруқ ва фармонларда ишлатилган.

4. Рикоъ хати. Ушбу ҳарфлари қурама усулида ёзиладиган хат тури мактубларда қўлланган. Меъморчилик, наққошлиқ санъатида ҳам қўлланган.

¹ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлиқ санъати тарихидан. Тошкент, 1971. 24-бет.

5. Райхоний. Бу ном хатнинг ёзилиши райхонга ўхшашлигидан келиб чиқкан. Мұхакқақ хат туридан келиб чиқкан. Қисса ва ривоятларда ишлатилған.

6. Насх (бошқаларни бекор қылувчи маъносида). Энг машхур ва оммалашған хат турларидан бири. Диний ва илмий асарлар учун мұлжалланған. Оят ва ҳадислар шу хатда ёзилған. Ибн Муқла ихтиро этған. Сулс хатидан келиб чиқкан.

7. Таълиқ. Бу хат мактуб ва ёзишмалар учун қўлланған бўлиб, рикоъ хатига ўхшаб кетади, аммо бироз чўзиб ёзилади. Абульъол томонидан форс матнларини ёзиш учун ихтиро этилган.

Қолган барча хат турлари ана шу юқорида келтирилған хатларнинг турли такомиллашған усуллари ва кўринишларидан иборат. Манбаларда келтирилишича, Ибн Муқладан кейин XI асрда Ибн Баввоб хат услубининг гўзаллигини ошириб, бадиийлаштирган, XIII асрга келиб хаттот Ёқуб хат услубларини тақомилига етказған. Бу ҳақда Султонали Машҳадий шундай ёзган экан:

Онки возех ба вазъи ин боб аст,

Ибн Муқла асту Ибн Баввоб аст¹

Хусниҳат тарихида уларнинг 36 тури қайд этилған.
Уларнинг энг машхурлари қўйидагилардан иборат:

1. Шикаста. Бадиий асарларда қўлланған. XIV асрда Ҳиротда яшаган Фасиҳ Ҳиравийнинг шогир-

¹ Муродов А. Ўрта Осиё ҳаттотлик санъати тарихидан. Тошкент, 1971. 29-бет.

ди Мавлоно Шафий томонидан ихтиро этилган. Бу хатда Бедил девонлари кўп кўчирилган. Эрон ва Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

2. Девоний - девонхона, муншийлар ишлатадиган хат.

3. Настаълик - насх ва таълиқ хатларидан ясалган. Амир Темур даврида яшаган Мир Али Табрезий (XIV аср) ихтиро этган. Унинг бир шогирди Мавлоно Жаъфар Шоҳруҳ Мирзо замонида, иккинчиси Мир Абулхай Абу Саъид Мирзо замонида машҳур бўлган. Султонали Машҳадий ҳам ўзини унинг шогирди деб ҳисоблайди.

Бу хат тури бадиий ва тарихий асарларда кенг қўлланган.

ҚҮЛЁЗМА КИТОБЛАРНИНГ ИЧКИ ТУЗИЛИШИ ВА БЕЗАКЛАРИ

Китобат санъатининг ривожланиши матн тузишнинг ўзига хос қатъий структурасининг ишлаб чиқилишига олиб келди. Басмала, ҳамд, наът, бағишлиов каби асар кириш қисмига тааллукли каби одобга тасниф аталмиш қоидалар пайдо бўлди. Таммат ёки хатмул-китоб, сана ва котиб исми зикр этилиши лозим бўлган колофон матншуносликда қўлёзма нусха котибининг муаллифлик ҳукукини кафолатловчи хужжатга айланди.

Ўрта Осиёда ҳадис илмининг ривожи, машхур муҳаддисларимизнинг ҳадисларни санадларига кўра саҳих, носаҳих, ҳасан, қудсий каби турларга ажратиб чиқишилари, муфассирларнинг эса Куръони Каримни тафсирлаш, шарҳлаш, фикҳий масалалар билан боғлиқ ижмоъ, ақойид илмларнинг кенг ёйилиши манбашуносликда ва матншуносликда муайян анъаналар пайдо бўлишига замин яратди. Ҳадис тўпламлари, фикҳий мажмуалар, диний накл ва ривоятлардан

хрестоматиялар тузиш ва уларни кўчириш мактаблари шаклланди. Айниқса, араб тилида улуг олимлар Имом Мотуридий, Абу Муъин Насафий, Бурҳониддин Марғиноний томонидан ёзилган асарлар кенг ўрганилиб, уларнинг асарлари матнлари устида турли тажрибалар олиб борилган. Жумладан, уларнинг асарлари тўлиқ ҳолда ёки жувзларга бўлинган ҳолда кўчирилган. Кўпинча муайян боблар алоҳида матн сифатида шакллантирилиб, мажмуалар таркибига киритилган. Айрим ҳолатларда асарлар қисқартириб кўчирилган.

Алломаларнинг асарларига қўплаб шарҳлар ёзилиши билан қўлёзма нусхалар матни тузилишида ҳам ўзгаришлар пайдо бўлди. Бир қўлёзма жилдда икки асар – бирини асосий жадвалда, иккинчисини ҳошияда жойлаштириш принциплари шаклланди. Муайян асарларни шарҳлари билан бирга кўчириш анъанага айланди. Матн турларининг кўпайиши бир асарнинг турли шаклларда кўчирилишига ва турли номлар билан машҳур бўлиб кетишига сабаб бўлди.

Матншуносликнинг тарихий тараққиётини кузатиш бу даврларда йигма матнлар, жувз-бўлаклар ҳолидаги алоҳида матнлар, шарҳ-матнлар анча кенг тарқалганини кўрсатди. Албатта, бу жараёнлар ўзбек матншунослигида муайян принципларнинг шаклланишига ижобий таъсири кўрсатмасдан қолмади. Туркий тил грамматикасини ишлаб чиқсан биринчи тилшунос олим Маҳмуд Кошгариј «Девону луготит

турк» қомусий асарини яратишда энг қадимги манбаларни тўплади, матнларни ўрганди ва уларни тавсифлаш орқали ўз асарига киритди. Асарда жамланган халқ оғзаки ижоди намуналарининг кўпи асар ёзилган даврдан беш-олти аср қадими йроқдир. Масалан, Алп Эр Тўнга марсияси, «Олтин қон» ривояти, айрим шахс ва жойлар билан bogлиқ афсоналар шулар жумласидандир.

Матн устида ишлаш қўлёзманинг ташқи белгиларини ўрганишдан бошланади. Шарқ китобат санъати ўзининг катъий принципларига асосланади. Масалан, ҳар бир асар «бисмилло»дан бошланади (басмала). Оллоҳнинг мадҳи (ҳамд, тамҳид) ва Мухаммад (с.а.в.) таърифи (наът), шундан кейин асарнинг ёзилиш сабаби (сабаби таълифи китоб) ҳакидаги муаллиф қайдлари ҳамда юқоридагиларнинг кетма-кетлиги китобат қилинишда ташлаб кетилиши мумкин бўлмаган асосий принциплардандир.

Матн – китобнинг асосий қисми бўлиб, унга айрим ҳошия ёзувлари, жадвал, пойгирлар кирмайди.

Унвон – илк саҳифанинг юқори қисмida жойлаштириладиган безак.

Ички унвон – тузилиши мураккаб китобларда улар баъзан бошқа (масалан, қизил) сиёҳ билан, баъзан қалин ҳарфлар (жумладан, насрий асарларда), баъзан ҳозиргидек саҳифа ўртасида берилади.

Жадвал – матн атрофига тортиладиган жадвал бўлиб, саҳифаларни безаи, қисм ва бўлакларни бир-би-

ридан ажратиш учун қўлланган. Жадвал, шунингдек, сарлавҳалар атрофига ҳам тортилган ва миниатюраларни матндан ажратишида чизилган. Матнлар турли шакллард: сидирға, икки устун, тўрт устун, зина, ромб, доира, қия ҳолда жойлаштирилиши мумкин. Бу муайян даражада безак вазифасини ўтаб, шеърий матнларда, айниқса, кўп қўлланилган.

Лавҳ – китобат санъатида қўлланадиган бадиий безак бўлиб, матн бошланган сахифанинг бош қисмида чизилган нақшdir. Лавҳлар тилла суви югуртилган ёки оддий бўёқлар воситасида чизилади. Қўлёзманинг бошида, агар қўлёзма китобнинг таркибида бир неча асар бўлса, ҳар бир асарнинг бошида, баъзан эса боб ва фаслларнинг бошланишида ишланади.

Тазҳиб – китобатчиликда қўлёзмаларни зарҳалаш, олтин суви билан жило беришда қўлланади. Олтин суви қўлёзма безакларидан бўлган зарварақ, қўш зарварақ, унвон, лавҳа, нақш, жадвалларни чишида ишлатилган.

Хошия – сахифа четлари. Жадвал (матн рамкаси) дан ташқарида изоҳ бериш, параллел равишда бошқа бир асар матнини жойлаштириш, матн бўлагидаги фикрни тасдиқлаш ёки тўлдириш учун иловалар келтиришга хизмат қилади.

Пойгир – ўзидан кейинги сахифанинг шу сўз билан бошланишини билдириб келувчи сўз бўлиб, ўнг сахифанинг энг остига, чап томонга жойлаштири-

лади (пойгир саҳифалар кетма-кетлигини белгилаш учун бет ракамлари ўрнига ишлатилади).

Колофон – учбурчак шаклида чизилиб, ичига котиб номи, қўлёзманинг қўчирилиш ва тугатилиш санаси (хатм ул-китоб), котибнинг қўлёзма сўнгидаги келтирадиган мулоҳазалари берилади.

ҲАРФИЙ САНЪАТЛАР

Шарқ бадииятида ҳарфларга чуқур маъно бағишилаш, улар воситасида бадиий тасвирни кучайтириш поэтик санъатлардан ҳисобланади. Шеъриятда араб алифбосининг ҳар бир ҳарфи шаклидан инсон қиёфаси, хулқ-авторини тасвирлаш шоир маҳоратидан дарак бериб, шеър бадииятининг безаги деб қаралган. Чунончи, алиф – тўғрилик белгиси, ёш қомат; дол, аксинча, қарилик, букилган қадни ифодалайди. Маҳбубнинг зулфи «жим», қош-кўзи «нун», типлари «син» ҳарфлари орқали ифодаланган. Шоирлар янги-янги бадиий тасвир воситалари ва хилма-хил шаклларни яратиш, улардан ўринли фойдаланишда бир-бирлари билан мусобақалашганлар. Шарқ мумтоз адабиётида жуда кенг тарқалган тасвир воситалари бўлмиш ийҳом, тарсеъ, тажохули орифона, му болага, лозими малзум, тарди акс каби ўнлаб бадиий санъат билан бир қаторда ҳарф шаклларидан унумли фойдаланганлар. Иложи борича шеър жозибадорлигини кучайтиришга, тасаввур ва тафаккур уйгунли-

гини таъминлашга ҳаракат қилганлар. Ҳарфлар воситасида тасаввур уйғотишининг бир неча усуллари бор. Улар ташбех, мувашшах, чистон, муаммо, хуруфи далолат деб аталади.

Ҳатто хуруфийлар деган диний секта ҳам бўлиб, ҳарфларнинг илоҳийлигига далиллар келтириш орқали уларни муқаддаслаштиришга уриниш ҳолатлари тарихдан маълум.

А.Муродов араб ҳарфлари шаклидан лирик қаҳрамоннинг ташки қиёфасини тасвирлашнинг тўрт усулини кўрсатган:

1. Ташки қиёфани тасвирлаш усули:

Тушганим Мажнун била Фарҳод аёғига кўруб,
Гоҳ танимни «нун» (ڽ) қилиб, гоҳи қаддим
«дол» (ڣ) айламиш.
(Навоий)

«Алиф» (ڣ) дек қадинг ёдида ғам чекиб,
Қадим ҳайъат аро «нун» (ڽ) бўлдило.

(Мунис Хоразмий)

Нукта (ڽ) лаб устида бежодур дедим, айди кулиб,
Саҳв қилмиш котиби қудрат магар таҳрирда.

(Фурқат)

Сен «алиф» (۱) дек тўғри бўлсанг,
хеч бало йўқтур санга,
Лом-алиф (۸) дек эгри бўлсанг,
ҳар бало бордур санга
(Халқ мақоли)

2. Лирик қаҳрамоннинг ички дунёси-сурати сўз ўйини шаклида ифодаланади:

Кўнглимга дард келгали хам бўлди қоматим,
Қадим магарки «дард» درد аёқидоги «дол» (۲) дур.
(Бобур)

Яна мисол:

Мушкин қошингни ҳайъати ул чашми
жаллод устина,
Қасдим учун «нас» (نَصْ) келтирур «нун» (نَ) (۳)
элтибон «сад» (صَ) устина.
(Оғаҳий)

3. Қаҳрамоннинг ахвол-руҳияси бирор сўзнинг барча ҳарфларига янги сўзлар орқали маъно бериш усули билан ифодаланади:

«Жон»им (جان) даги «жим» (ج) икки долингта фидо,
Андин сўнг «алиф» (۱), тоза ниҳолингга фидо.

«Нун»и (ڽ) доги анбарин ҳилолингга фидо,
Қолган икки нукта(..) икки холингға фидо.

(*Навоий*)

Кўзум ёруғ тилар эрсанг, ёшурма холингни,
Ки кўр (کور) ўлур кўз (کوز), агар нуқтасин
ниҳон қилсанг.

(*Навоий*)

4. Хат услублари номларидан ҳам бадиий ифода сифатида фойдаланиш:

Ҳавои хоки пойинг шарҳини таҳқиқ эдан мардум,
Ғубор (غبار) или баёзи дидаи хунбора ёзмишлар.

(*Фузулий*)¹

¹ Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик санъати тарихидан. –Т.: Фан, 1971. 46-47-бетлар.

да абжад ҳарфлари воситасида муҳим воқеаларни шеърий усулда ифодалаш бадиий санъат даражасига кўтарилиган. Ушбу санъат «та’рих» деб аталади. Е.Э. Бертельс унга шундай таъриф берган: »Та’рих – хронограмма, бу бирор-бир ҳодиса санасининг шеърий ифодасидир. Ҳирот аслзодалари давраларида бу ўйинга катта қизиқиш билан қараларди. Масжид, мадраса, карвонсарой, ҳовузларнинг қурилиш санасини белгилаш учун маҳсус сатрлар тўқилар ва биноларга чиройли қилиб ёзиб қўйиларди¹¹⁸⁰. Араб, форс ва туркий халқлар мумтоз адабиётида бу жанр жуда машҳур бўлиб, ҳатто шоирлар ўртасида маҳорат мезонини ҳам англатган.

Масалан, Алишер Навоийнинг «Ҳарфи ишқ ўлди азалдин сафҳаи жонимда сабт, Ҳар не андин ўзга барча лавҳи исёнимда сабт» байти билан бошланадиган ғазалининг мактаси қуйидагича:

*Ишқ тиийги ёрасидин ўлганим тарихини,
Эй Навоий, назм айлаб, айла девонимда сабт.*

Ғазалнинг ёзилган вақти мақтадаги «сабт» сўзи да яширин. Демак, «сабт» сўзи тарих моддасидир. «Сабт» қайд этмоқ маъносини англашиб, Навоий «ишқ тифининг захмидан ўлганим кунини шеър билан девонимда қайд эт» дейиш билан бирга шеър

¹ Бертельс Е.Э. Избранный труды. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965. -Стр. 40.

ёзилган санани ифодалаб кетган. Арабча **شَبَّتْ** «се»-500, «бе»-2, «те»- 400 рақамларни ифодаловчи ҳарфлардан ташкил топган. Уларнинг йигиндиси 902 ни ташкил этади. Демак, ғазал ҳижрий 902 йилда, милюдий хисобида 1496-1497 йилда яратилғани маълум бўлади.

Агар тарих моддаси бутун мисранинг ҳамма ҳарфлари йигиндисидан ясалса, бундай тарих «тарихи томм», яъни тўла тарих деб аталади. Бу ҳол кўпроқ «муаммо» жанрида учрайди.

ТАРИХ

Тарих ёзишнинг бир неча талаблари мавжуд. Аввало, зикр этилажак сана аниқ бўлиши лозим. Амир Алишер Навоий Ҳиротда мадраса қурдирганда, унга мударрис этиб Мир Атоуллоҳни тайинлайди. Шунда янги мударрис бунинг шарафига шундай тарих битади:

Чун мадраса соҳт Мир бо илму адаб,
Фармуд маро ифодаи аҳли талаб.
Чун дар шашуми моҳи ражаб ижлос,
Таърих талаб аз «шашуми моҳи ражаб»¹.

(*Mир илму адаб учун мадраса қуриб, илм аҳли талабини ифодалашини буюорди. Дарсларга ўтириши ражаб ойининг олтинчи куни бошланганидан унинг тарихини «ражаб ойининг олтинчи куни»дан изла*).

Ушбу тарих моддасида иккита «шин» 600, иккита «мим» 80, алиф 1, ҳойи ҳавваз 5, ре 200, жим 3, бе 2 рақамларини ифодалаб келмоқда. Уларни қўшсак,

¹ Султон Муҳаммад б. Дарвеш Муҳаммад Балхий.Мажмаъ ал-ғароиб. ЎзФАШИ, инв. №1262, 3076-вар .

ҳижрий 891 йил чиқади. Милодий йилга айлантирасак 1486 йил ҳосил бўлади. Кўриниб турибдики, муаллиф сана, йил ва ойни усталик билан тарих моддасида акс эттира олгаи.

Иккинчидан, ракамларни ҳосил килувчи ҳарфлар йиғиндиси муайян маънони англатилиши шарт. Кичик бир шеър, қитъа ёки байтда тарих моддасининг муайян лексик бирликни ифодалаши билан бир қаторда унинг шеър контекстига мос келиши шоирдан катта маҳорат талаб қиласди. Масалан, қози Ихтиёриддин Мўъмин Мирзо вафотига «хароби мулк», яъни «мамлакат хароб бўлди» сўзини тарих қилган. Абжад бўйича ушбу тарих моддасидан ҳижрий 903 йил чиқади

Учинчидан, тарих моддаси кам сонли бўлсин. Масалан, Алишер Навоий шаҳзода Шоҳ Фариб Мирзо маст ҳолда вафот этганига ишора қилиб, «маҳмур», яъни «маст» сўзини таърих қилган. Ундан абжад ҳисоби бўйича ҳижрий 886 йил чиқади.

Юқоридаги талаблардан келиб чиқиб, тарихлар сарих (аниқ-равшан) ва таъмия (мавхум, тезда тушунилмайдиган) каби икки қисмга бўлинади.

Сарих тарихлар ҳарф-ракамларни тўғридан-тўғри қўшиш орқали ҳосил қилинади.

Алишер Навоий Амири кабир лавозимига тайинланганда олим ва фозиллар тарихлар ёзганликлари ҳақида тарихчи Хондамир батафсил маълумот берган. Навоийнинг ўзи бу ҳақда шундай келтиради:

«Бу факирга подшоҳ муҳр таклиф қилганда Мавлоно Бурхониддин тарих айтиб эрдиким, багоят хўб воқе бўлуб эрди. Аммо чун факирнинг таърифиға нафси-ламрда ғайри воқедир (яъни муболагадир), лозим келур эрди, битилмади (яъни келтирмадим)¹.

Буюк мутафаккир эслатган ушбу тарих Хондамир томонидан тўлиқ келтирилган ва қуидагичадир:

میر فلک جناب علیشیر کز شرف
عاجز بود ز درک کمالات او خرد
دیوان نشت آخر شعبان بداد و ادل
از لطف شاه عادل الحق چنین سزد
چون مهر زد بدولت سلطان روزگار
تاریخ شد که میر علیشیر مهر زد

Мири фалак жаноби Алишер к-аз шараф,
Ожиз бувад з-дарки камолоти ў хирад.
Девон нешаст охири шаъбон ба доду адл,
Аз лутфи шоҳи одил ал-ҳақ чунин сазад.
Чун муҳр зад ба давлати султони рӯзгор,
Таърих шуд ҳаминки «Алишер муҳр зад»

Маъноси: *Фалак амири жаноб Алишернинг шунчалик шарафлилигидан ақл унинг камолоти қўламини идрок этишидан ожиз қолди. Шаъбон ойининг охирларида адолатпарварлик учун девонга ўтиреди.*

¹ Алишер Навоий. МАТ. Мажолис ун-нафоис. –Т.: Фан, 1997. 121-б.

Одил шоҳнинг лутфи шуни лойиқ топди. Замона султони давлатига муҳр босганилиги сабабидан «Алишер муҳр урди» бунга тарих бўлди.

Бу қитъада **«عليشیر مهر زد»** «Алишер муҳр зад» жумласи тарих моддасидир.

Уларни рақамларга айлантирамиз:

| ع | ل | ى | ش | ى | ر | م | ه | ر | ز | د | жами |
|-----------|-----------|----------|------------|----------|-----------|-----------|---------|-----------|---------|----------|------|
| айн 70 | лом 30 | йо 10 | шин 300 | йо 10 | ре 200 | мим 40 | ҳе 5 | ре 200 | зе 7 | дол 4 | 876 |

Демак, ҳижрий 876 йилда Алишер Навоий Амири кабир лавозимига тайинланган экан. Энди ҳижрийни милодийга айлантирсак, 1471 йил ҳосил бўлади. Шаъбон ойи охирида рўй бергани ҳақидаги эслатмага асосан, йил тақвимига назар ташласак, 1472 йилнинг февраль ойига тўғри келади.

Сарих таърихларга факат нуктали ҳарфларни қўшиш орқали ҳосил қилинадиган таърихлар ҳам киради.

Таъмия тарихларни топиш бирмунча фикрлашни талаб қиласди: Алишер Навоий Ҳиротда қурдирган масжидга бағишлиланган тарих шундай ифодаланган:

تاریخ امارتش اگر میخواهی
ارقام عنصر است و صفر افلاک

Мазмуни:

*Унинг иморати тарихини билишини истасанг,
Аносир рақамлари ва сифри афлок.*

Аносир – бу, түрт унсур (сув, ҳаво, олов, тупрок). Ундан мурод 4 рақамидир. Сифр 0 (нол) ни ифодалайди. Афлок (фалаклар, осмонлар) мусулмон астрологиясида 9 осмонни англатади. Юқоридағи рақамларни құшсак, 904 рақами ҳосил бўлади. Бу миқодий йил ҳисоби бўйича 1498 йилга тўғри келади.

Таъмия таърихлар муаммо жанрида кўпроқ учрайди. Бунда таърих моддаси сўз ёки ҳарфларни шеърдаги ишорага мувофиқ чикариб ташлаш (исқот), кўпайтириш, бўлиш ёки қўшиш оркали аниқланади.

«Жомеъ ат-таворих»да Мир Ҳусайн Муаммоининг Жомеъ масжиди таъмирига бағишлиланган қўйидаги таърихи келтирилган:

*Шуд мукаммал бинои ин масжид,
Лан тарафи асасиҳи нуқсо.
Кардам аз дил савол таърихаи,
Гуфт «сонии Масжид ул-Ақсо»¹.*

(Масжид биноси янада мукаммал бўлди. Унинг асосида ҳеч қандай нуқсон қолмади. Кўнгилдан таърихини сўрасам, дедики «Иккинчи Масжид ул-ақсо»-дир.)

Ўз навбатида, тарихлар яна икки қисмга бўлинади: суварий ва маънавий.

Суварий тарихлар зоҳирий жиҳатдан аниқ-равшан қўриниб туради. Бундай ҳолатда абжад ҳисоби

¹ Ниёз бин Сайид Али Бухорий. Жомеъ ут-таворих: Қўлёзма. ЎзФАШИ, инв. № 2893, 55а-вар.

лозим бўлмайди. Масалан, Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонини тугатган йилни шундай қайд этган:

Чу тарихи йилни онглай дедим туз.

Секиз юз сексан эрди доги тўкуз. (ФШ., 477).

Маънавий тарихда лафзнинг маъноси мавзуга мантиқан мос бўлиши керак. Рожий Ҳуқандий Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини кўчириб, шундай тарих битган эканлар:

یوز شکر که تحریر تاپیب اشبو کتاب
سوز اهلینک احوالیده کیلمیش نیچه باب
بتمکچی ایدیم مین رقمی تاریخینی
دفتر یوزینی تذکره الدى قورشاپ

*Юз шукрки, таҳрир топиб ушибу китоб,
Сўз аҳлининг аҳволида келмиш неча боб.
Битмакчи эдим мен рақами тарихини,
Дафтар юзини тазкира олди қуршаб.*

Бу ерда тарих моддаси «тазкира» сўзи бўлиб, ҳарфларнинг сони қўшилади: Т – 400, З – 700, К – 20, Р – 200. X – 5. Жами 1325. «Дафтар юзини тазкира олди қуршаб» ишорасига кўра, дафтарнинг юзи бўлган «дол», яъни 4 рақами 1325 га қўшилади ва натижада 1329 рақами ҳосил бўлади. Демак, қўлёзма

қўчирилган сана ҳижрийда 1329 йилга (милодийга айлантиrsак, 1911 йил) тўғри келади.

Агар бутун бир мисра таърих моддаси бўлса, у ҳолда бундай таърих «тариhi томм», яъни тўла тарих деб аталади. Масалан, Бухородаги Мир Араб мадрасаси биноси қурилишига қуийдаги тарих битилган:

مرغوب فخر عجب آنکه ساخت
مدرسه عالی بس بوالعجب
بوالعجب این است که تاریخ او
مدرسه عالی میر عرب

Маъноси:

*Ажаб фахру қувончки, қурилди
Ҳайратланарли бир олий мадраса.
Яна таажжубки, унинг тарихи ҳам, бўлди
«Мадрасаи олий-e Мир Араб»*

Тарих моддаси тўлиқ охирги мисрани ташкил қиласиди ва 942 ни билдиради. Демак, мадраса биноси ҳижрий 942 йилда (мил. 1535) қурилган экан.

Ўтмишда тарих ёзиш шоирлар ўртасида анча кенг тарқалган. Айниқса, биноларнинг қурилиши, машҳур кишиларнинг вафоти муносабати билан ёзилган тарихлар тарихимиздаги кўплаб ноаниқ саҳифаларини ёритишга ёрдам беради.

МУАММО

Муаммо сўзининг лугавий маъноси араб тилидаги «аъмо», яъни «кўр» сўзидан олинган бўлиб, «бекитилган» ёки «яширинган» деган маънони англатади. Муаммо шарқ адабиёти, жумладан, ўзбек классик адабиётида муайян кичик жанрдаги шеърда яширинган номни топиш билан боғлиқ. Муаммода яширин фикр мантиқан шеър мавзусига тўгри келиши ва назарда тутилган муайян фикр, воқса-ҳодиса ёки шахс фаолияти билан боғлиқ факт билан боғлиқ бўлиши керак. Унда ишора муҳим роль ўйнайди ва ишора этилган сўз «исм моддаси» деб юритилади, муаммони ечиш ёки оддий қилиб айтганда топиш – «ҳал(л)» яъни «масалани ҳал қилиш» тушунчаси билан ифодаланади.

Муаммо ҳақида ўтмишда кўп рисолалар ёзилган. Унинг тарихи ҳақида маълумот берувчи муҳим манбалардан бири Шарафиддин Али Яздийнинг «Ҳулали мутарраз дар фанни муаммо ва луғаз» (Муаммо

ва луғзлар ҳақида зийнатли ёпингич) асари дир. Шарафиддин Али Яздий уни санъат деб атаган. Алишер Навоий ва кўпгина форс шоирлари унга бадиј сўз санъатининг бир воситаси сифатида алоҳида эътибор қаратганлар. Алишер Навоий Яздийнинг рисоласи бир қадар мураккаб ёзилганини назарда тутиб, ўз замондошларининг баъзиларига, хусусан, Шамсиддин Мухаммад Бадахший, Камолиддин Мир Хусайнга муаммо хусусида рисола ёзишни топширган. Абдураҳмон Жомий ҳам Алишер Навоийнинг илтимосига кўра «Рисолаи муаммои кабир» асарини яратган. Ушбу рисоладан сўнг анча содда ва тушунарли бўлган «Рисолаи муаммои мутавассит ва «Рисолаи муаммои сағир» рисолаларини ҳам ёзиб, ўрганувчиларга қўлланма сифатида тақдим этган. Жомийнинг назм йўли билан ёзилган «Рисолаи муаммои манзум» асари ҳам машҳурдир. Алишер Навоийнинг ўзи ҳам моҳир муаммочи бўлган. Унинг туркий тилда ёзган 52та муаммоси «Наводир уш-шабоб» девонига киритилган¹. Унинг форс тилида ёзган 373 та муаммоси бизгача етиб келган. Алишер Навоий «Муфрадот» асарига 121 та муаммони киритган бўлиб, ушбу жанр назарияси ҳақида ҳам тўхталган. Асарда муаммо қоидалари уч қисмга бўлиб тушунтирилади. Биринчиси – «аъмоли тасҳили» (осонлаштирувчи амаллар),

¹ Алишер Навоий.ТАТ, Наводир уш-шабоб/ Муаммопар. 2-жилд. –Тошкент:Faafur Fулом номидаги НМИУ, 2011, 698-706-бетлар

иккинчиси – «аъмоли таҳсили», яъни ҳосил қилиш амаллари) ва учинчиси – «аъмоли такмили, яъни муаккаммаллаштириш амалларидан иборат. Бу қисмлар ўз ичига бир канча қоидалар ва усулларни қамраб олади. Умуман олганда, асарда муаммо ечишнинг 15 қоидаси ва 48 хил усули очиб берилгандир¹. Шуни таъкидлаш лозимки, ўзбек классик адабиётида учрайдиган муаммоларни ечишда араб ва форс тилларини билиш жуда мухим. Сабаби, муаммода берилган сўзнинг ечими кўп ҳолларда мазкур тиллардаги синонимларини ишлатиш орқали аниқланади. Шунингдек, бир муаммони ечишда бир неча қоидалар бирданига татбиқ этилади.

Муаммони ечиш ўқувчидан бадиий санъат қоидалари, арабий ҳарфларнинг шакллари, абжад ҳисоби, йил ва ой ҳисобларини билишни тақозо қиласди.

Муаммо шеърий усулдан ташқари насрий усулда ёзилиши ҳам мумкин.

Қоидалар қуидагича:

1. Интиқод (сараплаш) қоидаси. Бунда муаммодаги маълум ишорага қараб ҳарфлар сарапаниб олинади. Масалан, муаммоли шеър мисрасида ниманидир юкори томони (бош, юз, тож, баланд, биринчи ёки аввал каби) назарда тутилса, муаммо яширинган сўзнинг биринчи ҳарфи ажратиб олинади. Агар ниманидир охири (масалан, оёқ, этак, охир, ниҳоят, сўнг каби)

¹ Алишер Навоий. Муфрадот. ТАТ, 5-жилд. -Тошкент: Faafur Fu-lom nomidagi NMU, 2011, 715-733-бетлар.

назарда тутилса, сўзниг охирги ҳарфи, агар ишора «ўрта» «бел», «юрак», «мағз», «дил» каби сўзларга берилса, унда сўзниг ўртасида келган ёлғиз ҳарф, агар «бурчак», «чет», «тараф», «икки томон», «қиргок», «лаб» каби сўзлар ишлатилса сўзниг иккала томонидаги ҳарфлар олиниб, қўшилади ва натижада пинҳон қилинган сўз топилади.

Масалан, «Аҳмад» номи яширинган муаммо:

Майда икки юз агар кўрсатмаса ул маҳжабин,
Дурд дардин истабон жон бермагай аҳли яқин.

Маъноси: *Агар майда ёр икки юзини кўрсатмаса, яқин аҳли (суфийлар) май қўйқаси дардида жон бермас эдилар.*

Муаммо ҳалли (ечими): Шеърда асосий маъно ул маҳжабиннинг «майда икки юзини кўрсатиши» ва «дард» атрофида ифодаланган. Бундан маълум бўладики, исм моддаси «жабин» جَبِن, «маҳ» مَحْ, «дард» درد сўзларидир. Демак, маҳжабиннинг икки юзи «маҳ» ва «жабин»нинг бош ҳарфлари. Асосий сўз бўлган »жабин« биринчи келади ва унинг юзи «жим», «маҳ» сифатлаётгани учун иккинчи ўринда келади ва унинг юзи, яъни биринчи ҳарфи «мим» مَمْ дир.»дир. Араб ва форс тиллари қоидасига кўра, сўз ундош ҳарф билан бошланганда бир «алиф» қўшилади. Демак, бош ҳарфларни қўшсак حَمْ (Ажм) бирикмаси ҳосил бўлади. Иккинчи мисрада ишора «дард»га берилиб, унинг дурди (қўйқаси), яъни туби

охирги ҳарф бўлган «дол»дир. «д»ни «Ажм»га уласак, «اجمدا» (Ажмад) ҳосил бўлади. Ундаги «ж»нинг нуқтасини олиб ташласак, «Аҳмад» исми ясалади.

Иккинчи мисол

Зоҳид исмига муаммо:

Ой юзинда холни кўргач, ул ой топди жамол,

Охир ул юздинки ёпти, вах, ки пинҳон бўлди хол.

Маъноси: *юзидаги холи билан ой юзли гўзал янада чиройли. Юзини ёпган ҳам эдики, хол ҳам пинҳон бўлди.*

Ечими: Исм моддаси «ой», «хол», «дин» ва «ваҳ» калималариридир. Туркийча «ой» сўзига хол қўйиб бўлмайди, яъни нуқта қўйиш имкони йўқ. Демак, унинг, яъни ойнинг форсча синонимини оламиз: «қамар». Мисрадаги маънога кўра, ойнинг жамолини хол янада безади. Демак, унга хол, яъни нуқта қўядиган бўлсан, «қамаз» бўлади. Мисрада ойнинг юзида хол бор дейилгани учун «з» ҳарфи «ой» сўзининг бошига қўшилади ва «зо(й)» пайдо бўлади. «ваҳ»нинг юзи ёпилса, яъни «вов» олиб ташланса, «ҳ» қолади. »Дин«нинг юзи «дол»дир ва бу ҳарф «ҳ» билан бирикса, «ҳид» бўлади. Уни «зо»га уласак, **زاهد** (Зоҳид) исми ҳосил бўлади.

Учинчи мисол

Қосим исмига муаммо:

Рұхсораси узра, әй күнгил, хол недур,
Зулфи оёги остида помол, недур.
Қани ани күрган сени күрса, мени ҳам,
Ким охимдин айру әлга ахвол недур.

Маъноси:

*Юзидаги холга (қаранг), қандайин хол,
Зулфи оёгига тушган, қандайин (соғ).
Қани эди унинг назари бизга тушса эди,
Менинг оҳимдан ўзгага қандайин ҳол.*

Ечими: исм моддаси «қани», «ани», «сени», «мени» сўзларидир. «қани»нинг юзи «қоф», «ани»нинг юзи «алиф», «сени»нинг юзи «син», «мени»нинг юзи «мим» ҳарфларидир. «қ»ни «алиф» билан қўшсак, «қо», «син» билан «мим» қўшилса «сим» ҳосил бўлади. Ко билан сим қўшилса, **قاسم** «Қосим» оти ясалади.

Тўртинчи мисол

Латиф исмига муаммо:

Саф чекди ҳар тараф юзидин киприк эй күнгил,
Ул шаклни кўруб хираду сабрдин тўнгил.

Маъноси: Киприклар юзнинг икки тарафидан (сени ўлдирмоқ қасдида) икки қатор бўлиб саф чекди, буни кўргач, ақлу сабрингни сина (умид уз!).

Ечими: ҳар тарафдан саф тортди» ишорасига биноан мисранинг бошидаги сафнинг бир тарафи бўлган «ф» ҳарфи, мисранинг охири бўлган кўнгилдан «л» ҳарфи олинади, «тараф»нинг юзи дейилгани учун «тарафнинг юзи бўлган «т» олинади ва «юз»нинг тарафи бўлган «й» олиниб, ҳарфлар тартиб билан терилса, **لطيف** «Латиф» исми ясалади.

2. Тахлил (қисмларга ажратиш) қоидаси. Ишорадан англашилган муайян сўз икки ёки ундан ортиқ қисмга ажратилиб ўқилади. Масалан, миръот «мир» ва «от» деб ўқилади.

Ҳамза номи яширинган муаммо:

Ёшун эй гул, ки ул гулрух жамоли,
Эрур ҳам содаву ҳам тоза ҳоли.

Маъноси: (уядан) Яширин, эй гул! Чунки ул гул юзлининг жамоли (сеникидан-да) силлиқ ва яшнаб тургувчиdir.

Муаммо ҳал(л)и (ечими): Шеърда асосий эътибор марказида «жамол», унинг силлиқ-тиниқлиги ва барқ уриб яшнаб турганлиги турибди. «Жамоли»ни таҳлил қоидасига кўра, икки қисмга ажратамиз: «жам» ва «оли». Жамол – чехра маъносида келмоқда. Чехранинг гўзаллиги ундаги хол-нукта билан янада жозибадор. Агар хол бўлмаса, чирой оддий саналади. Жамолнинг силлиқлиги унинг нуқтасини олиб ташлашга ишора бўлгани учун «ж»нинг нуқтасини олиб ташласак, «х»га айланади. Демак, «жам» «ҳам» кў-

ринишини олади. Энди «тоза» (تازه)ни икки кисмга бўламиз: «то» ва «за». «Ҳам» ва «за»ни кўшсак, «Ҳамза» حمزة номи чиқади.

4. Таркиб (бириктириш) қоидаси. Шеърдан муаммо исмни топиш мураккаб бўлса, муаммо ечими шеър маъносидан изланади ва битта асосий сўзга эътибор қаратилади.

«Сафо» исмига муаммо:

Қасди жонимга чу мужгонинг икки саф тузди,
Бири қош ёси, бири ғамзанг ўқин киргуди.

Маъноси: *Мени ўлдиришга қасд қилиб, мужгонинг икки қатор бўлиб сафланди. Бири қошингни камон қилиб, иккинчиси ўқларини тортди.*

Муаммо ҳали (ечими): «Ғамза ўқи» дан мақсад ўқёйга ишорадир. Ўқ эса алифга ўхшайди. Демак, уни «алиф» деб тушунишимиз керак. Алифни саф (صف) га бириктиrsак, Сафо исми келиб чиқади.

5. Табдил (алмаштириш) қоидаси. Ишорага қараб, бирор сўзнинг маълум бир қисми бошқа сўзга алмаштирилади ёки ҳарфлар ўрни алмаштирилиши мумкин.

«Шоҳ» номига муаммо:

Жон қуши чу бўлди донаи холига зор,
Шод ўлдию ҳалқа айлади зулфини ёр.

Маъноси: *Жон қуши, яъни кўнгил ёрнинг юзидағи холига зор бўлди,*

Бундан ёр шод бўлиб, холини зулфи билан ўраб олди.

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг моддаси «шод», ҳалқа» ва «зулф»дир. Маълумки, зулф «дол» ҳарфини эслатади. «ҳалқа» эса «ҳ-ҳои ҳавваз»га ўхшайди. «Зулфини ҳалқа айлади» жумласи «дол»ни «ҳ»га айлантиришга ишорадир. Демак, «шод»даги «д» «ҳ»га алмаштирилса, ^шаҳ «Шоҳ» исми ясалади.

Изоҳ: Юкоридаги қоидалар «аъмоли таҳсили»-нинг қоидаларидир.

Иккинчи қисм бўлган «аъмоли таҳсили» қоидалари қўйидагича:

5. Тансис ва тахсис (ойдинлаштириш ва алоҳидалаш). Бирор мақсад қилинган сўз очик айтилиб, бирор восита орқали ойдинлаштирилади. Шеърда яширин ном ишора билан ошкор этилади. Масалан, «дилим ором олди», демак «Дилором».

Салмон номига муаммо:

Қилур эрсанг манго сомон, эй рафиқ, ҳавас,
Анинг аёғига еткур манинг бошимнию бас.

Маъноси: Эй рафиқ, агар менга ёрдам бермоқчи бўлсанг, мени унинг пойига бош қўйишим иложини топсанг бас.

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг моддаси «сомон», «оёқ» ва «бош»дир. «Сомон» икки бўғинга ажратилади ва «мон» нинг форсча маъноси «қолдир, қўй» бўлгани учун «мон»ни алоҳидалаймиз. «Оёқ»нинг

арабчаси «ражл»дир ва ражлнинг оёги, яъни охирги ҳарфи «лом»дир. «Л»нинг оёғига, яъни охирига биринчи мисрадаги бош сўз - «мон»ни кўшсак, «лмон» бўлади. Бошнинг синоними «сар» эканлигини ва унинг ҳам боши «син» эканлигини назарда тутиб, «с»ни «лмон»га қўшамиз ва سلمان «Салмон» исми ҳосил бўлади.

6. Тасмия (номлаш). араб алфавитидаги ҳарфлар номини алоҳида ўқилиши бошқача айтганда, сўз ҳарфнинг алоҳида ўқиладиган номи билан бир хил эканидан фойдаланиб, ўша ҳарф назарда тутилади.

Тоҳир исмига муаммо:

Гириҳин туррадин то очди моҳим,
Паришон қилди филҳол они оҳим.

Маъноси:

*Моҳим кокили (зулфи) бурамасини текислагандা,
Оҳим шамолидан унинг зулфи ёйилиб кетди.*

Муаммо ҳали (ечими): Ислом мөддаси كريپ «гирих», طر «турра» ва او «оҳ» сўзларидир. Гириҳ «тугун» маъносини беради ва у «ҳои ҳавваз» шаклидадир. «Гириҳин туррадин очди» ишорасига биноан «ҳои ҳавваз»-ҳои ҳавваз «турра» ни иккига бўлади: طهر «т-ҳ-р». Шоирнинг оҳи кокилни паришон қилгани, «оҳ»даги «алиф»нинг «тҳр» ўртасига кирганини англатади, яъни طاهر «тоҳир» пайдо бўлади. Бунда «т»нинг «то» деб номланиши ҳам назарда тутилиб, «Тоҳир» исми топилади.

Иккинчи мисол:

Зайд исмига муаммо:

Кўз учи, қоши ёсидур соҳир,
Они ёд ол алардин, эй, сомир.

Маъноси: *Кўз қараши, ёйсимон қоши сеҳрлайди
Сеҳрлашни сен ундан ўргангил, эй афсунгар!*

Ечим: Исламнинг кўз учи, қоши ёси, ёд ол сўзларидир. Кўз сўзининг уч томони «з» ҳарфидир, қоши сўзининг «ё»си назарда тутилаётгани учун «кўзи»нинг охирги ҳарфи «й-йо»ни оламиз ва қўшсак, «зай»бўлади. «Ёд ол» тасмия қоидасига кўра «йо-дол» деб ўқилади ва бундан мақсад «дол» сўзи ҳарф эканлигига ишорадир. Демак, «зай»га «д»ни қўшсак, **ڏ** Зайд исми ҳосил бўлади.

7. Талмих (ишора қилиш). Бунда ишора абжад сонларини ифодалаган ҳарфлар, ой номлари ёки ҳаммага маълум бўлган нарса, воқеа-ҳодисаларга берилади. Бу амалда ҳаммага маълум сўзларнинг бирор ҳарфи олинади.

Хусайн номига муаммо:

Қошинг гўшаси чеккали ғамзада син,
Янги ойнинг устида кўрсатди ёсин.

Маъноси: *Менга ғамза қилиб қошингни чимиргага-
нингда, унинг чети «син» ҳарфини ҳосил қилиб, янги
ой каби «ёй»ини кўрсатди.*

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг синоними «хилол» бўлиб, унинг усти, яъни биринчи ҳарфи «х» (ҳои ҳавваз)дир. «ҳои ҳавваз» «ҳои ҳутти»га алмаштирилади : حلال Ундан ح -ҳ ҳарфи олинади. «Син» «ҳ»нинг устига, яъни унга уласа، حسین «Хусайн» ясалади.

Ушбу коидада маҳсус ҳарф тушунчаси мавжуд бўлиб, сўзнинг охирги ҳарфига эътибор қаратиладиган услуби ҳам мавжуд.

8. Тародиф ва Иштирок . Бир сўзни айта туриб, синонимини назарда тутиш. Бу коидага кўра, муайян сўзларнинг омоним ва синоним маъноларига ишора қилинади.

Ҳилол исмига муаммо:

Кўнглум ҳалок бўлди, чу ишқингни бошлади,
Охир бошинда ҳар неким бор эрди, ташлади.

Маъноси: Сенга ишқи тушиб, қалбим ҳалок бўлди.
Шу йўлда барчасини қўлдан бой берди.

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг синоними «кўнглум»-ва «ҳалок»дир. Тародиф усулига биноан, кўнгилнинг синоними форс тилида «дил»дир. «Охир» ва «бошинда» сўзларида ишорага биноан кўнгил ва ҳалокнинг боши ва охирини ташлаш керак. Дилнинг боши ташланса, «л» қолади. «Ҳалок»нинг охири «к»дир. Уни ташласак, «ҳало» қолади. «Ҳало»га «л»ни уласак, «Ҳилол» номи ясалади.

9. Киноят (яшириш) қоидаси. Бунда муаммо моддаси бирор сўз билан ифодаланса-да, ундан бошқа мақсад кўзда тутилган бўлади.

«Саъд» исмига муаммо:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, яхшилик била чиқса от.

Маъноси: *Бу ҳаёт гулшанида ҳеч бир гул боқий қолмайди, яхшилик билан ном қолдирсанг, шу баҳтдир.*

Муаммо ҳали (ечими): Исм моддаси «саодат» ва «от» сўзларидир. Яхшилик сўзидан мақсад баҳтни ифода этишдир. Шунинг учун саодат калимасидан «от», яъни «о» ва «т» ҳарфлари чиқарилади. Шунда «Саъд» қолади. Унинг маъноси баҳтдир.

10. Тасҳиф (хато ёзиш). Бунда муаммо шеърда берилган ишорага асосан, арабий ҳарфдаги нуқталар қўшилади ёки олиб ташланиб, янги сўз ясалади.

Зиё исмига муаммо:

Гул авроқин сабо қилди паришон,
Қабул этди нечаким топди имкон.

Маъноси: *Тонг шамоли гул баргларини сочиб юборди, гул бунга кўнмасдан иложси бўлмади.*

Муаммо ҳали (ечими): Исм моддаси «сабо»дир. Сабонинг «сад» ҳарфи устига нуқта қўйса, «забо» бўлади. Энди «забо»нинг «бе» ҳарфидаги бир

нуктаси иккита қилинса, »й« га айланади. Натижада «Зиё» номи пайдо бўлади.

11. Истиора ва ташбих (ўхшатиш). Бирор нарсани зикр этиш ва ҳарфларнинг ўхшашлигидан келиб чиқиб муаммони ечиш.

Қубод исмига муаммо:

Сочинг ғубори гаҳи юз ёпар, гаҳи очар,
Не зулфдурки, ёпар они, нечунки, мушк сочар.

Муаммо ҳали (ечими): Исм моддаси **غبار** «ғубор», **بوز** «юз», **ذلف** «зулф»дир.

Бу ерда «юз» сонга нисбат берилиб, абжад ҳисобида **ق** «қ» ҳарфини англатади. Губорнинг юз ёпиши – бу, «губор»даги биринчи ҳарфнинг ёпилиши, яъни **f** «ғ» нинг «қ» билан алмашишидир: **غبار - قبار** ғубор-кубор. Зулфдан мақсад унинг биринчи ҳарфи **ذ** «зол» нинг **د** «дол»га ўхшашидир. Зулфдан бир ҳарф – «зол» олинади ва «дол»га айлантирилиб, «зулф гаҳи юзини очар»га мувофиқ, **قبار** «кубор»нинг охиридаги «р»нинг ўрнига қўйилади. Натижада «Кубод» оти чиқади.

12. Ҳисоб (ҳисоблаш) қоидаси. Максад зикр этилмишдан сон чиқаришдир. Бунда сўз ёки ҳарфнинг абжад ҳисобидаги сони чиқарилади.

Носир исмига муаммо:

Кўрунса кўзга ногаҳ ногаҳ ул ой,
Кўзум ҳайрон қолур юзига, эйвой.

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг синоними қараша «камар». Абжад ҳисоби бўйича камар – 340 (ق 100 + م 40 + ر 200 = 340). Ойнинг юзи ۱ «алиф»- 1. Кўшсак, 341 бўлади. Бу рақам ҳарфга айлантирилса (ن 50+ ح 1 + ص 90+ ر 200 = 341), ناصر Носир исми чиқади.

Коидаларнинг учинчи қисми бўлган «аъмоли такмили» уч қоидадан иборат бўлиб, улар қуйидагичадир:

13. Таълиф (улаш). Ҳарфларни улаш орқали исм топилади. Ушбу қоидага кўра, ишора этилган сўз шеър маъносидан келиб чиқиб, бўғинларга ажратилиб уланади.

Довуд исмига муаммо:

Ўт тушти дуди аро фурқатидин,
То куйдию ўртанди кўнгил хирқатидин.

Маъноси: Ёр ҳажрида кўнгил оҳидан ўт чиқиб тутун ичидан осмонга ўрланди.

Муаммо ҳали (ечими): Исламнинг орасига «ўт»-олов тушиб, куйиши «дуд» ўртасидаги «вов»нинг тушиб қолишига ишора бўлиб, «д-д» қолади ва «ўт» сўзининг «д-д» орасига киришини англатади. Натижада «ا - د - و - د - ا» бирикмаси пайдо бўлади. Иккинчи мисрада «то куйди» дейилгани учун «т» олиб ташланади (куйдирилади). Натижада داود «Довуд» номи ясалади.

14. Қалб (харфлар ёки сўз тартибини ўзгартириш, тескари ўқиши). Бунда кўпинча харфлар ўрни алмаштирилади ёки ишора этилган сўз тескари ўқилади.

Баҳо исмига муаммо:

Дайр аро кир, пандни гўш айлагил,
Бода бешак соф эрур пўш айлагил.

Муаммо ҳали (ечими): Исм моддаси باده «бода»дир. Бода ўртасидаги «дол» соқит қилинади: باه . Қалб қоидасига биноан, ҳарфлар тартиби ўзгартирилади: بە

15. Искот (чиқариб юбориш, олиб ташлаш). Шеърда ишора этилган сўз ёки ҳарфлар олиб ташланади. Бунда сўз қисмларининг нуқсонли саналган қисми соқит қилинади.

Жаъфар исмига муаммо:

Жонондин айру топти кўнгил, умрдин малол,
Ўздин кечибтур емди-ю, айлар вафо хаёл.

Муаммо ҳали (ечими): Исм моддаси « умр», «кечиб», «вафо» сўзларидир. Байтда ишора қилинганидек кўнгил (қалб, дил) ҳамма нарсадан кечмоқда. Демак، عمر (умр) қалби «م» (мим), ундан кечилса، ع (ар) қолади. گیچیب «кечиб» нинг қалби چ(чим) бўлиб, икки ёнидан кечилса «ч» қолади. Тасхиф қоидасига кўра, у چжим деб олинади. وفا Вафони икки томонидан кечилса، ف (ф) қолади. Барчасини қўшсак، عرف аржаф бўлади. Қалб қоидасига кўра، جعفر жаъфар деб оламиз.

ХУРУФИ ДАЛОЛАТ

Ҳарфларга мазмун бағишлиш Шарқ поэтикасида *хуруфи далолат* деб аталади.

Алишер Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» дostonида Фарҳодга исм қўйиш бобида Фарҳод исмининг ҳарфларидан унинг қисмати чизгиларини белгилайди:

Анга фарзона Фарҳод исм қўйди
Хуруфи маъхазин беш қисм қўйди.
Фироқу рашку ҳажр ила оху дард.
Бирор ҳарф ибтидодин айлабон фард
Борин устоди ишқ этгач мураккаб,
Тараккабдин бу исм ўлди мураттаб.
Малолат маҳдида зор этти они,
Бу қайд ичра гирифтор этти они.

Алишер Навоий асарларида ҳарфларга мазмун бағишлиш жуда кўплаб учрайди. Чунончи, «Ҳайрат ул-

абор» асарида «бисмиллах» сүзини шундай шарх-лайди:

Б – башорат

Син – саломат

Мим – мақсад

Алиф – шамъ

Лом – ливои зафар

Ҳ – ҳувият

ХУЛОСА ЎРНИДА

Юксак маънавий ва маданий тамаддун хужжати бўлган ёзма ёдгорликлар сони бўйича Ўзбекистон дунёдаги энг бой давлатлар қаторига киради. Фанлар академиясининг Шарқшунослик институти, Алишер Навоий номидаги адабиёт ва санъат музейи, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон Миллий университети ва Самарқанд давлат университети, Самарқанд ва Кўқон ўлкашунослик музейлари, Тошкент халқаро ислом цивилизацияси маркази каби ўнлаб илмий, ўқув ва маърифий муассасаларда жамланган қўлёзма ва нодир тошбосма манбалар сони 100 000 донадан ошиқ эканлигининг ўзиёқ ушбу маънавий хазинанинг нечоғлик улканлигини кўрсатиб туради. Бундай катта қўлёзмалар захираси, айниқса, мусулмон тамаддунига оид манбалар, дунё бўйича факат 5-6 мамлакатдагина мавжудлиги ҳисобга олинадиган бўлса, унинг салобатию аҳамиятини янада якқолрок тасаввур қилиш мумкин. Бундан ташқари, халқимиз

кўлида сақланаётган, ҳали саноғи маълум бўлмаган қўлёзмалар ва нодир тошбосмаларнинг сони ҳам, бизнинг кузатишларимиз бўйича, бундан кам эмас.

Бугун юртимизда амалга ошаётган миллий юксалиш мэрралари, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги туб ижобий ўзгаришлар Ўзбекистонга дунё эътиборини тортмоқда. Ёзма ёдгорликларимиз – бебаҳо ҳазинамиз. У бетакрор илмий-маданий киёфамизнинг умрбоқийлигини таъминловчи, мамлакатимиз ва халқимизнинг халқаро мавқенини янада мустаҳкамлашга хизмат қилувчи энг муҳим омиллардан биридир. Ана шундай бир даврда матншунос кадрларни тайёрлаш ўзлигимизни, буюк ўтмишимиз маънавий салоҳиятини ва халқимизнинг жаҳон тамаддуни ривожидаги ҳақиқий ўрнини кўрсатиш учун муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу қўлланмада талаба ёшларимизга қўлёзма асарлар билан ишлашда аскотадиган энг бирламчи билимларни беришга ҳаракат қилдик. Уни матншуноснинг биринчи китоби деб атасак ҳам бўлади. Китоб охирида келтирилган адабиётлар ҳар бир ўз билимини оширмоқчи бўлган бўлғуси матншуносга фойдали бўлишига ишонамиз.

АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Наводир уш-шабоб /Муаммолар. ТАТ, 2-жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
2. Алишер Навоий. Девони Фоний / Муфрадот, ТАТ, 5-жилд, –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
3. Алишер Навоий. Ҳайрат үл-аброр. ТАТ, 6-жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
4. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. ТАТ, 6-жилд. –Т.: Faфур Ғулом номидаги НМИУ, 2011.
5. Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. /Нашрга тайёрловчи-лар Амин Умарий ва Ҳусайнзода. – Т.: Фан, 1941.
6. Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. Тошкент: Давлат нашриёти, 1956.
7. Алишер Навоий. Хамса: Сабъаи сайёр. Илмий-танқидий матн. /Нашрга тайёрловчи П.Шамсиев, Тошкент: 1956.
8. Алишер Навоийнинг муаммо жанридаги туркигўй халафи / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Ж.Жўраев. –Т.: Фан, 2009.
9. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий. Тўплам / Нашрга тайёрл. П.Шамсиев. –Т.: Фан, 1966.
10. Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. ЎзФАШИ, инв. 5149.
11. Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида сокийнома. –Т.: Турон-Икбол, 2017.
12. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами. –М.: Наука, 1965.

13. Бартольд В.В. Мир Али Шер и политическая жизнь: Сочин. В IX томах.-М.:Наука, ГРВЛ,1964.- II том.Часть2.
14. Жабборов Неъмат. Алишер Навоийнинг ижод табиати ва ижодкор масъулиятига доир қарашлари //Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 98-102-бетлар.
15. Жабборов Неъмат. Яссавия тариқати ва таълимотининг муҳим қирралари (янги топилган манба ва ҳикматлар асосида)/ «Имом ал-Бухорий сабоклари» журнали № 4, 2012. Б.276–280.
16. Жабборов Неъмат. «Чаҳор унсур» қўлёзма нусхаларининг тарихий таҳлили «Мерос» журнали , № 1, 2016, 29–36-бетлар.
17. Жабборов Неъмат. «Қисса-и Имоми Аъзам» қўлёзмаларининг тарихий таҳлили «Мерос» журнали , № 1, 2018,17–26-бетлар.
18. Жувонмардиев А. Нодир саҳифалар. –Т.: Фан, 1977.
19. Жувонмардиев А. Ҳарфлар ракамларга айланганда. –Т.: Фан, 1966.
20. Жўрабоев О. Матннинг матности сирлари. –Т.: Тамаддун, 2017.
21. Жумахўжа Н. Алишер Навоий асарлари матншунослигига маънавий хуқук ва хуқукий маданият масалалари //Навоий ва XXI аср. №4. -Т.: ТошДЎТАУ, 2019,20-24-бетлар.
22. Жўрабоев О. Навоий ва тарих. –Т.: Тамаддун, 2016.
23. Жўрабоев О. Навоий девонларининг Қўкон қўлёзмалари ва уларнинг матнига доир. //Навоий ва XXI аср.-Т.: ТошДЎТАУ, 2017, 47-50-бетлар.
24. Жўрабоев О. Навоий асарлари қўлёзмаларини ўрганишнинг баъзи масалалари//Навоий ва XXI аср. №1. -Т.: ТошДЎТАУ, 2016, 26-29-бетлар.
25. Жўраев Ж. Мавлоно Жунуний Бадахший ва унинг «Рисолаи муаммо» асари. –Т.: 2009.
26. Жўраев Ж. Комёб ҳаёти ва ижодий мероси манбалари тадқики.-Т.:Мумтоз сўз,2019.
27. Зиёдов Ш. Марказий Осиёда илк тошбосма китоблар нашри тарихидан // -Т.: Шарқшунослик, 2009, –№ 14.
28. Зоҳидов Л. Алишер Навоий ижодида муаммо жанри. –Т.: Фан, 1986.

29. Зоҳидов Р. «Саботул ожизин» асарининг манбалари, шарҳлари ва илмий-танқидий матнини комплекс ўрганиш муаммолари. Филол. фанлари докт... дисс... – Тошкент, 2018.
30. Зоҳидов Р. Навоий асарлари табдили муаммолари //Навоий ва XXI аср. №1. -Т.: ТошДЎТАУ, 2016, 22-26-бетлар.
31. Имомназаров М. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари //Навоий ва XXI аср. №2, -Т.: ТошДЎТАУ, 2017, 6-10-бетлар.
32. Имомназаров М. Уч девон муқоясаси (Алишер Навоий шеъриятида лирик жанрлар хронологиясига доир) //Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 12-17-бетлар.
33. Имомназаров М. XXI аср навоийшунослиги: методология муаммолари//Навоий ва XXI аср. №4. -Т.: ТошДЎТАУ, 2019,13-19-бетлар.
34. Исҳок Бофистоний. Тазкираи қаландарон. Тошбосма.
35. Исҳоқов Ё. Сўз санъати сўзлиги. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
36. Лихачев Д.С. Текстология. Краткий очерк. М. – Л.: Наука, 1964.
37. Мадалиева О. Огах Сирри Левенд - Алишер Навоий асарлари фехристнависи //Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 77-83-бетлар.
38. Мадалиева О. Навоий девонлари қўлёзмаларининг колофон матнлари хусусида // Ёш шарқшуносларнинг академик У.Каримов номидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: ФАН, 24-25-бетлар.
39. Мадраимов А., Фузайлова Г. Манбашунослик. –Т.: Фан, 2007.
40. Муродов А. Ўрта Осиё хаттотлик тарихидан. –Т.: Фан,1971.
41. Муллахўжаева К. Ваҳдат ва касрат тасвири бадиий рамзларда //Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 106-110-бетлар
42. Наваи. Возлюбленный сердец. / Сводный текст подготовил А. Н. Кононов. – М.– Л., 1948.
43. Навоий дастхати. Наводир ун-ниҳоя. /Нашрга тайёр., сўзбoshi муаллифи С.Фаниева. – Т.: Фан, 1991.
44. Норкулов Н. Сўфи Оллоёр ва Машраб /Хожа Алоуддин Аттор – накшбандия тариқатининг йирик намояндаси. Денов: 2004, 35-36-бетлар.

45. Омонов Қ. Ўзбек ҳужжатчилигининг асослари: юзага келиши ва тарихий такомили. –Т.: ТДШИ, 2016.
46. Ражабова Б. Муштарак адабий ҳодисалар. –Т.:Мухаррир, 2019.
47. Ражабова М. «Назм ул-жавоҳир» таҳлилида матн муаммолари//Навоий ва XXI аср.№1.-Т.: ТошДЎТАУ, 2016, 30-32-бетлар.
48. Раҳмон В. Мумтоз сўз сеҳри. –Т.: Ўзбекистон, 2015.
49. Рейсер С.А. Основы текстологии. -М.: 1978.
50. Рустамов А. Матнчилигимиздаги нуқсонлар. ЎзАС,1982 йил, 3 сентябрь.
51. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. Тошкент, Академнашр, 2011.
52. Сирожиддинов Ш. Умарова С. Ўзбек матншунослиги кирралари. –Т.: Академнашр, 2015.
53. Содиков Қ. Матншунослик ва манбашунослик асослари. –Т.: ТДШИ, 2017.
54. Султонов Ў. Амир Музффарнинг 1277/1860 йил санаси кўрсатилган муҳрлари ҳақида//Ёш шарқшуносларнинг академик У.Каримов номидаги республика илмий-амалий конференцияси материаллари. -Т.: ФАН, 5-7-бетлар.
55. Сўфи Оллоёр. Сабот ул-ожизин. /Нашрга тайёр. Р. Зоҳид. –Т.: Санъат журнали, 2007.
56. Турдиалиев А., Эркинов А. «Бадоєъ ул-бидоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали олтинчи кўлётмаси. //Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 57-62-бетлар.
57. Турсунов Ю. «Муншашот» асарининг матний тадқиқи. -Т.: Мумтоз сўз, 2016.
58. Тўхлиев Б. Навоий ғазаллари. (насрий баён, шарҳ ва изоҳлар. Биринчи китоб. –Т.: Bayoz, 2015.
59. Шодмонов Н. Навоий асарлари номлари хусусида баъзи мулоҳазалар. //Навоий ва XXI аср. №1. -Т.: ТошДЎТАУ, 2016, 20-21-бетлар.
60. Цибульский В.В. Современные календари стран Ближнего Востока и Среднего Востока. Синхронистические таблицы и пояснения. Москва, 1964.

61. Ўрзобоев А. Огахийнинг тарихий асарлари лексикаси. Тошкент, Мұхаррир, 2013.
62. Эркинов А. Матншуносликка кириш. –Т.: 1997.
63. Эркинов А. Алишер Навоий «Хазойин ул-маоний»си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93). //Навоий ва XXI аср. -Т.: ТошДЎТАУ, 2017.19-38-бетлар.
64. Эркинов А. Алишер Навоий. Оққуюнли мухлислар девони (1471). Факсимиле. ILCAA, 2015.
65. Эркинов А. «Бадоэъ ул-билоя»нинг Навоий даврида кўчирилган ва янги аниқланган санали бешинчи қўлёзмаси. // Навоий ва XXI аср. №3. -Т.: ТошДЎТАУ, 2018, 51-67-бетлар
66. Эркинов А.С., Полвонов Н.Т, Аминов Ҳ.А. Муҳаммад Рахимхон II – Феруз кутубхонаси феҳристи. – Т. : Янги аср авлоди, 2010.
67. Юсупова Д. «Наводир ун-ниҳоя» фақат газаллардан иборат девонми? //Навоий ва XXI аср. -Т.: ТошДЎТАУ, 2017, 54-60-бетлар.
68. Юсупова Д. «Хазойин ул-маоний»: шаклий етуклик ва мазмуний изчиллик уйғуналиги//Навоий ва XXI аср. №1. -Т.: ТошДЎТАУ, 2016, 123-129-бетлар.
69. Куронбеков А. Алишер Навоийнинг «Ҳамса»достонларида рамз ва тимсоллар. -Т.: ТДШИ, 2015.
70. Ҳакимов М. Алишер Навоий асарларини кўчирган хаттолар. – Тошкент: Фан, 1991.
71. Ҳамирова М. Қўлёзма баёзлар-адабий манба. –Т.: Фан, 1981.
72. Ҳасаний М. Шарқ қўлёзмаларини тавсифлаш ва фиҳристлаш. –Т.: 2004.
73. Clark A. C. The Descent of Manuscripts. Oxford, 1918.

Илмий нашр

ШУХРАТ СИРОЖИДДИНОВ

МАТНШУНОСЛИК САБОҚЛАРИ

Муҳаррир: Тўлкин ТОҒАЕВ

Бадиий муҳаррир: Баҳриддин БОЗОРОВ

Техник муҳаррир: Диљшод НАЗАРОВ

Саҳифаловчи: Иномжон ЎСАРОВ

Мусаҳҳих: Бобур ҲАМРОЕВ

Нашриёт лицензияси № АИ 130. 2017.24.11.

Босишга 2019 йил 20 сентябрда рухсат этилди.

Timez New Roman гарнитураси.

Қоғоз бичими: 84x108 1/32.

Офсет усулида босилди. Шартли босма табоғи: 6,7.

Нашриёт босма табоғи 3,3. Адади 1000 нусха.

Буюртма раками № 17.

«Navoiy universiteti» nashriyot-matbaa uyi.

Манзил: 100100., Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Юсуф Ҳос
Хожиб кўчаси, 103.

«AKADEMNASHR» босмахонасида чоп этилди.

100156, Тошкент шаҳри Чилонзор тумани 20^й-мавзе 42-үй.

ISBN 978-9943-5636-4-3

A standard linear barcode representing the ISBN number 978-9943-5636-4-3.

9 789943 563643